Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 83 (20. 950) 1991 йил 30 апрель, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ВАТАНДОШЛАР! ФУҚАРОЛАР ТИНЧЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ТОТУВЛИК ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК. МАМЛАКАТИМИЗГА — ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ, ҲАР БИР ХОНАДОНГА — ТИНЧЛИК!

(КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1 Май Чақириқларидан).

ИНСОН ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК— ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

● Узбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида жуда муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг кенг доираси муҳокама қилинди. Мажлисда вазирликлар, идоралар, концернларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоят ижроия комитетларининг раислари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари қатнашдилар. Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди ва йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқди.

Тўққиз иттифоқдош республика раҳбарларининг СССР Президенти М. С. Горбачев билан бўлиб ўтган учрашуви, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми энди мамлакатда орқага қайтиш мумкин эмаслигини яна бир бор тасдиқлагани таъкидланди. Мустақиллик тўғрисида республикалар қабул қилган Декларациялар, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳуқуқларини кенгайтириш марказ билан сифат жиҳатидан янгича муносабатларга ўтишда яхши истиқбол очади. Лекин, ҳозирги пайтда бутун халқ хўжалигини қамраб олган таназзул шошилинч тадбирлар кўрилишини тақозо этмоқда. Шу сабабли тўққиз иттифоқдош республика раҳбарлари биргаликда қабул қилган қўшма ҳужжат аҳволни барқарорлаштириш борасидаги муайян имконият ҳисобланади. Ҳар бир республика манфаатларини ҳисобга олиб Иттифоқ шартномасининг имзоланиши, ижроия ҳокимиятининг мустаҳкамланиши кескин вазиятни тугатиши, мухолифликка барҳам бериши мумкин ва лозим.

Ўзбекистон ССР Президенти иттифоқдош республикаларнинг раҳбарлари имзолаган ҳужжат унинг барча бандларига аниқ риоя этилишини талаб қилишини алоҳида таъкидлади. Акс ҳолда, салбий, аҳволни беқарорлаштирувчи ҳолатлар бундан кейин ҳам ривожланаверади.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш борасидаги ўйлаб, аниқ ишлаб чиқилган дастур алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бундай дастур бор ва у ҳозирдаёқ амалга оширила бошланди. Инсон, республика аҳолиси барча табақаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш дастурда кўзда тутилган асосий мақсаддир. Дастурнинг биринчи галдаги вазифалари орасида қўшимча 108 минг гектар ҳайдаладиган ерни шахсий фойдаланишга топшириш масаласи бор.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида ушбу масалага жуда катта эътибор берилди. Масалан, биринчи кварталнинг ўзидаёқ республика аҳолисига 22,3 минг гектар ер ажратилди, 71 минг бош бузоқ ва қўзи, эчки болалари, уларни боқиш учун 200 минг тоннага яқин турли ем сотилди. Бир қанча вилоятларда, айниқса, Самарқанд ва Наманган вилоятларида ҳосилдор ерларни шахсий фойдаланишга топшириш муваффақиятли бормоқда. Айни вақтда Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона вилоятларида ва Қорақалпоғистонда бу ниҳоятда муҳим ижтимоий тадбир ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Мажлисда вилоят ижроия комитетлари барча раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Уларнинг бир қанчаси қаттиқ танқид қилинди. Мажлисда қуйидаги масала қатъий тарзда қўйилди: одамлар ғамини ея олмайдиган, уларнинг муаммолари билан яшай олмайдиган, рўй бераётган жараёнларнинг муҳимлигини тушунмайдиган раҳбарлар бунга виждонан ҳис қилиб, очиқ-ойдин айтишлари, эгаллаб турган лавозимларидан кетишлари керак.

Шу боисдан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида деҳқончилик-саноат мажмуи мутахассислари бошчилигида ишчи комиссияларини вилоятларга юбориш тўғрисида қарор қабул қилинди. 10 майга қадар барча вилоятларда ана шу ишларни тугаллаш вазифаси қўйилди.

Чигит экилган майдонлар миқдорини қатъий текшириш зарурлиги лозим, деб топилди. Пахта экилган майдонлар хусусидаги ҳар қандай ҳолатга принципиал баҳо бериш керак. Бозорга ўтилаётган даврда бундай ишга йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон ССР прокуратурасига ҳайдаладиган ерларни ажратиш тўғрисидаги республика Президенти Фармони қандай бажарилаётгани устидан доимий назорат ўрнатиш, қонунни бузаётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида республика халқ хўжалиги тармоқларининг иш якунлари, биринчи кварталда Давлат бюджетининг ижроси ва халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қоидалари қандай амалга оширилаётгани батафсил кўриб чиқилди.

Фавқулодда тадбирларни кўриш хўжалик алоқалари бузилиши ва нарх белгилаш ислоҳоти ўтказилаётгани сабабли ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари пасайишини тўхтатиб қолишга имкон бергани таъкидланди. Ҳисобот даврида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, чакана товар оборот ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмлари ўтган йилга нисбатан ортди. Аҳолининг моддий аҳволини яхшилаш, пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар ва кўп болали оилаларни, ўқувчиларни аниқ-равшан қўллаб-қувватлаш борасида собитқадам ишлар олиб борилди. Ҳукумат қарори билан озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар товарлари, бир қанча маҳаллий бинокорлик материаллари кўпгина турларини сотишдан олинадиган 5 фоизли солиқ бекор қилинди. Мактаб формаси, болалар пойабзали, хонатласнинг чакана нархлари пасайтирилди, ёшларга мебель ва гилам буюмлари сотишнинг имтиёзли тартиби жорий этилди.

Шундай бўлса ҳам, халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетди. 120 тадан кўпроқ корхона маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятларини бажармади, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли корхоналар сони камаймаяпти. Инвестиция соҳасидаги аҳвол ёмонлашди. Марказлашган маблағлар ҳисобидан асосий фондларни ишга туширишнинг 11 фоиз қисқарди.

Халқ истеъмоли моллари, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсганига қарамай, ўсиш суръатлари режалаштирилганидан паст бўлди. Гўшт, колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш камайди, балиқ овлаш қисқарди, аҳолини консерва билан таъминлаш борасидаги ишлар бардбод қилинмоқда. Таъминот маҳсулот сотиш идоралари жиддий хатоларга йўл қўйдилар, улар халқ хўжалиги мажмуини моддий-техника ресурслари билан таъминлаш юзасидан қатъий чора-тадбирлар кўришмаяпти. Жойлардаги раҳбарларнинг кўпчилиги суст фаолият кўрсатмоқда, ниманидир кутиш билан кун ўтказмоқда, бозор шароитида ишлашга мутахассисларни тайёрлашга етарли эътибор бермаяптилар. Жойларда иқтисодиётни соғломлаштиришга доир тадбирлар кўриш ўрнига республика бюджетидан ёрдам олишга умид боғлаб, тайёргарликка айёрлик кайфиятини намоён этмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шуларга асосланиб қарор қабул қилди. Қарорда ишлаб чиқаришда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини иложи борича тўлдириш, корхоналарнинг молиявий-иқтисодий фаолияти даражасини ошириш, интизом, тартибни мустаҳкамлаш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилиши назарда тутилган.

Аввал бўлганидек, республика ҳукуматининг сиёсати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, чакана нархлар кўтарилиши муносабати билан компенсациялар ва нафақалар тўлашга йўналтирилади.

Ихтисослашган банклар ва молия идоралари билан биргаликда режага кўра зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, хўжаликлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини таҳлил қилиш борасидаги ишларни ниҳоятда қисқа муддат ичида тугаллаш режалаштирилган. Қарорда ҳар бир тармоқда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, шунингдек, маиший хизмат, савдо, маҳаллий уй-жой хўжалиги иншоотларини хусусийлаштиришга доир тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳар бир мажму юзасидан аниқ-равшан тадбирлар ва уларни бажариш муддатлари белгилаб берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида резина пойабзал ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва Ўзбекистон ССР аҳолисининг унга бўлган эҳтиёжини қондиришга доир тадбирлар тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Шарқ услубидаги калишлар ташиб келтириш камайиб кетганлиги, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги қувватларнинг пастлиги истеъмол бозорида ана шу маҳсулотнинг тақчиллигини янада кучайтириб юборгани уқтирилди. Шу сабабли ҳукумат жумҳурият корхоналарида резина пойабзал ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унн ишлаб чиқаришни йилига 7 миллион жуфтдан 18 миллион жуфтга кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу мақсадда хорижий мамлакатлардан юқори унумли ускуналарни харид қилиш, «Узбекрезинотехника» бирлашмасидаги қувватларни кенгайтириш режалаштирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида бошқа муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Яккабоғ халқ истеъмоли буюмлари фабрикасининг дурадгорлик цехида янги маҳсулот — ўқув парталари ишлаб чиқарила бошланди. Бу ерда тайёрланаётган эшик, ром, столстул ва хонтахта чиқиндиларидан парта ясаш йўлга қўйилди. Бундай чиқиндилар илгари ёқиб юборилган бўлса, эндиликда уларнинг ҳар куб метридан учта ўқув партаси тайёрланяпти.

Дурадгорлик цехи жамоаси йил бошидан буён жумҳурият мактабларига қарийб минг дона парта етказиб берди.

СУРАТДА: фабрика директори Б. Худойбердиев (чапдан иккинчи) дурадгорлар билан суҳбатда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган сурат.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Ўрта Осиё темир йўли, Тошкент метроси жамоалари учун бу йилги 1 Май байрами қувончли келди.

● Ўрта Осиё темир йўли ишчи-хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари жорий йил дастлабки квартали якунларига мувофиқ Бутуниттифоқ мусобақаси ғолиби деб топилдилар. Ғолиблар СССР Темир йўл вазирлиги билан тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланишди.

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан юк ташиш ҳажми бир мунча камайди. Лекин темирйўлчилар йил бошида белгиланган тадбирларни аниқ-пухта бажаришга интилишди. Вагонларнинг тўхтаб қолиши камайтирилди, темир йўл шохобчаларини электрлаштириш бўйича белгиланган режа адо этилди.

● Тошкент метрополитени мамлакатимиз метрополитенлари орасида энг намуналиси деб топилди. Дастлабки тўрт ойликдаги ишлар чакки эмас. Кира ҳақи ошганлигига қарамай, метро пойтахтликлар ва меҳмонлар учун энг қулай транспорт воситаси бўлиб қолаётир. Поездлар ҳаракати жадвалига қатъий риоя этилганлиги туфайли йўловчиларни ўз манзилига етказиб қўйиш бўйича режа адо этилди.

Тошкент метросининг «Ўзбекистон» йўлида янги бекатлар бугун-эрта ишга туширилади. Бу билан йўловчилар учун яна қулайлик юзага келади: Студентлар шаҳарчасига поездлар бир зумда етиб келади.

Президент Кенгашининг мажлиси

● 29 апрель куни Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда жумҳурият аҳолисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга доир бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Президентининг «Бошланғич синфлар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида»ги ва «Барча турдаги мактаб ўқитувчиларига, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар, юқори синфларнинг ўқитувчилари иш ҳақини ошириш ҳақида»ги Фармонлари қандай бажарилаётганлиги хусусида Президент маслаҳатчиси Б. А. Назаров ахборот берди.

Ҳозир жумҳурият кундузги мактабларида 350 мингдан ортиқ ўқитувчи, мактабгача муассасаларда 75 минг тарбиячи ишламоқда. Уларнинг оила аъзоларини ҳам ҳисобга олганда, Фармонлар қабул қилинганлиги муносабати билан республиканинг камида 2,5 миллион аҳолиси турмуш шароитининг яхшиланганлиги тўғрисида гапириш мумкин. Фармонларда белгиланган тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлашга салкам 200 миллион сўм ажратилди.

Педагоглар дарс соатларининг камайтирилиши уларнинг моддий таъминоти яхшиланишига кафолат бўлибгина қолмай, шу билан бирга маънавий жиҳатдан ривожланиш ва касб маҳоратини оширишга, ўз фарзандларини тарбиялашга, дам олишга кўпроқ вақт ажратиш имконини берди. Бундан ташқари бу тадбир бошланғич синфларнинг деярли икки минг беш юз ўқитувчисини иш билан тўла таъминлашга имкон берди.

Ўқитувчилар ва тарбиячиларга давлатга ва идорага қарашли уйлар ҳамда квартираларни бепул бериш, шаҳарларда квартира ҳақи ва коммунал хизмати ҳақини 50 фоиз ва қишлоқ жойларда уларни ана шу тўлов турларидан тўла озод қилиш тарзида имтиёз берилганлиги бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитида салмоқли моддий ёрдам бўлди.

Бундан ташқари мазкур фармонлар қабул қилинганидан кейин жумҳурият ҳукумати қўшимча чоралар кўрди, улар тарбия сифатини оширишни, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлашни кўзда тутади. Бу ўринда гап аввало олий ва ўрта ўқув юртларининг, ҳунар-техника билим юртларининг талабаларига, мактаб ўқувчиларига, болалар боғчалари тарбияланувчиларига ҳар ойда маданият муассасаларига бепул бориш ҳуқуқи берилгани ҳақида бормоқда.

Чакана нархларни ислоҳ қилиш муносабати билан қабул қилинган қарорлар: умумий таълим мактаблари ўқувчилари, шунингдек талабалар ва ўқувчи ёшларнинг овқатланиши учун имтиёз белгилангани, мактаб формаси ва болалар пойабзали нархларининг умуминиттифоқ даражасига нисбатан камайтирилиши ҳам ана шундай тадбирлар қаторига киради.

Бироқ, мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, жумҳурият Президентининг ушбу Фармонларини амалда рўёбга чиқариш жуда секинлик билан бормоқда, айрим вилоятларда ва районларда маҳаллий Советлар ходимларининг сусткашлиги, ҳуқуқий жиҳатдан тайёргарликнинг йўқлиги, тўрачилик ва сансалорлик оқибатида тўхтаб қолмоқда. Бу айниқса имтиёзлар билан таъминлаш, уйлар ва квартираларни топшириш, ер участкаларини ажратишга тааллуқлидир. Баъзи районларда маҳаллий Советлар Президентининг тегишли Фармонларини бажариш юзасидан ҳамон қарорлар қабул қилмаган. Мажлисда бундай ҳолларга йўл қўйиб бўлмаслиги, уларни ўз вақтида аниқлаб тегишли тартиб ўрнатиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ахборотда ва нутқларда таъкидланганидек, мазкур масалада жумҳурият оммавий ахборот воситалари етарли даражада изчиллик кўрсатмаяпти. Газета ва журналлар саҳифаларида, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувда Фармонлар қандай бажарилаётганлигини ёритишда изчил ёндашув, принципиаллик йўқ.

Президент Кенгашининг мажлисида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида мазкур Фармонлар ва шундан кейин қабул қилинган қарорларни бажаришни назорат қилиш, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш учун бошқа аниқ чораларни кўришни тавсия этишга қарор қилинди. Ижтимоий ҳимоя чораларини барча педагог ходимларга нисбатан жорий этиш мақсадида ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг бошқа тоифаларига ҳам имтиёз беришни кўзда тутиб бу қоидаларни ривожлантириш ва пухталаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Жумҳурият ҳукуматининг бу чора-тадбирлари жамиятда муаллимнинг, ёшлар мураббийсининг юксак обрў-эътиборини тиклаши, янги тоифадаги билимдон педагоглар тайёрлашни таъминлаши лозим.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси О. Ҳ. Асқаров кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан ахборот берди. У Тошкент шаҳар ижроия комитетининг уй-жойларни тақсимлашда ижтимоий адолат қоидаларига риоя этиш ва уй-жой фондини фуқаролар шахсий мулкига ўтказиш тўғрисида гапирди.

Жумҳурият пойтахтида уй-жой билан таъминлаш муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Ҳозирги вақтда 70 мингдан ортиқ фуқаро уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турибди, шуларнинг ҳар учтасидан бири биринчи навбатда уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқига эга.

Айни пайтда шаҳарда уй-жойни тақсимлаш, сотиш ҳамда квартира ва уйларни шахсий мулкка топшириш устидан тегишли назорат ўрнатилмаган. Уй-жой қурилиши масалаларига эътибор бўшаштириб юборилди, натижада уй-жойларни фойдаланишга топшириш режалари барбод бўлмоқда.

Бу ҳол кўп жиҳатдан уй-жой масалаларини ҳал этиш учун жавобгар бўлган ходимларни танлаш ва жойжойига қўйишдаги нуқсонлар билан боғлиқ. Бу лавозимларни кўпинча махсус маълумоти ва тайёргарлиги бўлмаган кишилар эгаллаб турибди, бу эса уй-жой қонунини бузиш ва ундан четга чиқишга олиб бормоқда.

Уй-жойларни тақсимлаш масалаларида ошкоралигининг йўқлиги меҳнат жамоаларидаги маънавий муҳитга салбий таъсир қилмоқда. Айрим корхоналарда ва ташкилотларда, ижроия комитетларда навбатда турувчиларнинг рўйхати йўқ, бу эса одамларнинг ҳақли эътирозлари ва шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Президент Кенгашининг аъзолари Тошкент шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг эътиборини қонунининг ва ижтимоий адолат қоидаларининг бузилиш ҳолларига қаратдилар, ижроия комитетларига, тасарруфида уй-жой фонди бўлган вазирликлар ва идораларга бундай ҳолларни бутунлай тугатишни, жумҳурият Президентининг уй-жой фондини Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ва ўқитувчиларга шахсий мулк сифатида бепул топшириш тўғрисидаги Фармонларни оғишмай бажарилишини таъминлашни тавсия қилдилар. Шунингдек тегишли идораларни тажрибали ва билимли мутахассислар билан мустаҳкамлаш таклиф этилди.

Меҳнат ресурсларини жумҳурият ташқарисидан олиб келиш одатидан воз кечиш ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш имкониятини топишга қарор қилинди.

Президент Кенгашининг аъзолари жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг яқин орада бўладиган мажлисларидан бирида Тошкент шаҳрининг эски қисмидаги ижтимоий уй-жой муаммоларини кўриб чиқиш ва уларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар киритишни ҳам тавсия этдилар.

Жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан биргаликда Ўзбекистон ССР Уй-жой кодекси янги таҳririни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ишларини жадаллаштириш тавсия этилди.

Президент Кенгашининг мажлисида маҳкум этилган шахслар материалларини кўриб чиқиш ва «Наврўз» байрами шарафига уларни афв этиш комиссиясининг иши якунлари ҳам муҳокама қилинди.

Махсус ишчи гуруҳлари фаолияти натижасида қамоқ жазосига маҳкум этилган 1094 киши афв этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Уларнинг орасида ўзбеклар, руслар, қирғизлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, арманлар, татарлар, яҳудийлар, турклар, Ўзбекистонда яшовчи бир қанча бошқа миллатларнинг вакиллари бор. Шу одамларнинг ярмидан кўпроғи жазодан бутунлай озод қилинди, бошқаларининг жазони ўташ муддати камайтирилди.

Комиссия аъзолари ишларни кўриб чиқиш чоғида содир этилган жиноятнинг қанчалик оғирлигини, айбдорнинг шахсини, унинг меҳнатга муносабатини, ёши, оилавий аҳволи ва жазонинг қанча муддатини ўтаганлигини ҳисобга олдилар. Шу муносабат билан оғир жиноят содир этган кишиларнинг бир қисмини афв этиш рад қилинди.

(ЎзТАГ).

ШОЛИ САМОЛЁТДАН СЕПИЛМОҚДА

ГАГАРИН. Термиз авиаотряди жамоаси бу йил Гагарин ноҳияси шоликорлари ҳузурига апрель ойидан ёрдамга келди. Бу гал авиаторлар ерга кимёвий ўғит ёки заҳарли дориворлар эмас, уруғ сочадиган бўлдилар.

Ноҳиянинг «Искра» давлат хўжалиги бир вақтлар шолини сеялкаларда экиш тажрибасини муваффақиятли қўллаган эди. Мана, икки-уч йилдирки, улар самолётлар билан экиш энг самарали усул эканлигини исбот қилмоқдалар.

— Бу йил 7595 гектар майдонда шоли етиштирамиз, — дейди ноҳия ижроқўми раиси М. Зоиров. — 30 минг тоннадик хирмон яратамиз. Аму дарёси соҳилларидаги бугунги ишларимиз қамрови шу ниятга яраша бўлмоқда.

О. УСАНОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

САЙЛ ЧОРЛАЙДИ

● Эртага нишонланадиган 1 Май байрамига атаб республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида, шунингдек Тошкентда ҳам тайёргарлик кўрилди. Шаҳар маркази совет кишилари ва уларнинг меҳнатини улуғловчи лавҳалар билан безатилган. Катта кўчаларда байроқчалар ҳилпирамоқда. Шаҳар аҳолиси байрам кунидан фойдаланиб, кўчаларга, катта сайлга чиқади, маданият масканларига боради.

● Тошкент бугундан бошлаб ўзгача қиёфага кирмоқда. Шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарида, майдонларда, ўқув юртларида ноз-неъматлар савдосини уюштирмоқда. 1 Май куни Ленин майдони олдидаги анҳор икки ёқасида катта сайл қатнашчилари учун кўчма ошхоналар ишлайди. Уларда миллий таомлар ҳозирланади. Кун бўйи дам олувчиларга лаззатли таомлар тортиқ этилади. Чойхоналар, буфетлар ишлайди. Шунингдек, Карл Маркс кўчасида ҳам сайлчиларни мамнун этадиган дастурхонлар ёзилади, қозонларда палов дамланади.

Савдо бошқармаси корхоналари ҳам аҳоли хизматида бўлади. Марказий кўчаларда, майдонларда музқаймоқ, ҳўзурбахш ичимликлар билан савдо қилинади.

● Тошкент театрлари, санъат даргоҳлари, ҳаваскорлик жамоалари дам олувчиларга байрам томошаларини кўрсатишга ҳозирлик кўрдилар. Шаҳар маданият бошқармасида маълум қилишларича, «Тинчлик ва баркамоллик» деган театрлаштирилган томоша намойиш этилади. Бунда катта театрлар санъаткорлари билан бирга «Юлдуз» ва «Гулрух» дасталари, доирачилар, карнай-сурнайчилар қатнашадилар.

СССР Олий Кенгашининг қарори

СССР Президентининг Японияга ва Корея Республикасига ташрифи якунлари тўғрисида

СССР Олий Кенгаши СССР Президенти М. С. Горбачевнинг Японияга расмий ташрифи ҳамда Корея Республикаси раҳбарияти билан олиб борилган музокаралар тўғрисидаги ахборотини тинглаб **қарор қилади:**

1. Олий даражадаги Совет-Япон ва Совет-Жанубий Корея музокараларининг якунлари маъқуллансин.

2. СССР Олий Кенгаши билан Япония парламенти ўртасида алоқаларни кучайтириш ва Корея Жумҳурияти Миллат мажлиси билан алоқаларни йўлга қўйиш иши давом эттирилсин.

3. СССР Олий Кенгаши Халқаро ишлар комитети сулҳ шартномаси бўйича Совет-Япония музокараларининг бориши, шунингдек Япония ҳамда Корея Республикаси билан муносабатларни ривожлантиришнинг бошқа жиҳатлари ҳусусида мунтазам назорат қилишни таъминласин, шу масалалар юзасидан СССР Ташқи ишлар вазирлиги ва СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ахборотларини вақти-вақти билан эшитиб турсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 26 апрель.

Партия Марказий Комитети Пленумида КПСС Марказий Комитети Бош котиби

М. С. ГОРБАЧЕВнинг якунловчи нутқи

Ўртоқлар! Пленумдаги мунозара ўткир бўлди. Жуда муҳим тусдаги кўпгина жиддий мулоҳазалар айтилди, бу мулоҳазалар зўр эътиборга сазовордир. Агар масалалар қаттиқ қилиб қўйилгани ҳақида гапирадиган бўлсам, мамлакат бошдан кечираётган танглик шароитида бундан бошқача бўлишини кутиб ҳам бўлмас эди. Бу мутлақо равшан. Бироқ бу нарса партияни сафарбар этмайдиган, балки ишончсизлик, саросималик туғдирадиган бир қанча хулосаларни оқламайди. Баъзи фикр-мулоҳазалар партиявий ўртоқликдан йироқ эди. Улар умумий ишимизга, амалий ижобий вазиятни сақлаб қолишга ёрдам бермайди, қолбуки ҳозир кўпгина мулоҳазаларга кўра шундай вазиятни сақлаб қолиш муҳимдир. Аввало шунинг учунки, биз мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнини ривожлантиришнинг бениҳоя масъулиятли босқичида турибмиз. Эҳтимолки, биз энг нозик палладан ўтаётгандирмиз. Фақат масъулитсиз кишиларгина шу вақтда партияни синовга дучор қилиши, гуруҳбозлик, хусусий манфаатларни, ўз иштиёқларини илгари суриши, таъбир жоиз бўлса, ўзларининг чекланган назаридаги муаммоларни принципал юксакликка кўтаришлари ва шу тариқа бутун ишимизни заифлаштириб, унга зарба уришлари мумкин.

Башарти биз мана шу энг мураккаб босқичда партия сафларига ўзимиз путур етказиш билан шуғулланадиган бўлсак, бу нарса Коммунистик партия ўз кучи ва таъсирини, ўз мавқеини йўқотиб, жамиятда рўй бераётган ғоят катта ҳаракатнинг, бениҳоя катта ўзгаришларнинг чеккасига сурилиб қолишини хоҳлайдиган барча кишиларга жуда катта совға бўлур эди, деб илгари ҳам биринчилардан бўлиб огоҳлантирган эдим. Бизни шунчаки бирбиримиз билан тўқнаштириб қўйишни истамоқдалар, сиз билан биз ҳам баъзан шу истакни бажо келтираяпмиз. Шу сабабли, келинглар, ушбу Пленумда назария ва сиёсат масалаларига оид принципиал мулоқотга кейинчалик яна қайтамиз, деган шарт билан бу мунозарани тўхтатайлик. Ўйлайманки, кейинчалик албатта бундай мулоқот бўлади.

Деярли барча нотиқлар партиядаги аҳвол учун асосли равишда ташвишланиб гапирдилар. Буни ҳам англаб турибман. Ижтимоий турмушнинг янги шаклларига ўтиш қийинчиликлари партияга оғир таъсир қилмоқда, янги йўл очиш осон эмас. Бунинг учун аввало жуда катта ақлий меҳнат, бутун ўтмишни, қолаверса, бутун ҳозирги фаолиятимизни ҳам қайтадан идрок этиб чиқиш керак бўлади. Бизнинг келажак режаларимиз ҳатто энг яхши институтларда ҳам мавҳум тарзда ишлаб чиқилган моделлар ва схемаларга эмас, балки воқеликка таянган бўлиши керак. Ҳозир дунёнинг бирон жойида бизнинг жамиятимизчалик мураккаб жамият бўлмаса керак. Бинобарин, жамиятимиздаги барча чигалликларни сергаклик билан чамалаб кўрганда, асосий йўл-йўриқларни эсдан чиқармаслик, ўзимиз танлаб олган социалистик йўлга содиқ бўлиб қолиш ва қийинчиликлар, хатолар билан бўлса ҳам, турмушнинг ҳамма соҳаларини бутунлай ўзгартириш йўлидан олға силжийвериш лозим. Ҳар бир киши ва албатта, партия бундай ўтиш даврида қийинчиликларга дуч келади. Чунки партия — жамиятнинг бир қисмидир. Унинг сафларида воқеликни идрок қилишдан иборат мураккаб жараёнлар кечмоқда, одамларнинг онгида инқилоб рўй бермоқда.

Назаримда, бу — узоқ давом этадиган жараён. Партия жамият билан бирга ўзи ҳам ўзгариши керак. Акс ҳолда у жамиятга тўғри йўл-йўриқларни, тўғри йўллар ва мақсадларни, шу мақсадларга эришиш воситаларини таклиф қила оладиган сиёсий куч бўлиш ролини бажара олмайди.

Партия неча ўн йиллардан бери давом этиб келган ҳокиминятга ҳукмронликдан онгли равишда воз кечди. Кўп кишилар бундан жуда қийналаётганликларини, ҳамма ҳам буни осонликча идрок эта олмаётганини кўриб турибман. Бир неча йил муқаддам шу залда ўтказилган Пленумда сўзлаган нутқимда: «Ўртоқлар, биз ҳаммамиз ва партиямиз кучайиб бораётган демократия шароитида ишлашни ўрганишимиз керак», деган эдим. Мана энди, очиғини айтсам, ҳозир энг мураккаб босқич бошланди. Ҳозир мамлакатда фикрлар хилма-хиллигигина эмас, сиёсий хилма-хиллик ҳам бошланди. Гарчи демократик жараён доиралари мустаҳкам қарор топмаган бўлса ҳам, эндиликда демократия тобора кенгайиб бормоқда. Жамият бошқачасига яшамоқда. Кўпгина янги кучлар сиёсат саҳнасига чиқди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий иқлимни мутлақо ўзгартириб юборди. Шу сабабли биз буни англаб етишимиз ва жамиятимиз тараққиётининг мана шу янги босқичига мос келадиган ўз мавқеимизни белгилаб олишимиз керак. Такрор айтаман — бу иш қийинчилик билан кўчмоқда. Биз, партия ходимлари эски усуллардан ҳеч воз кеча олмаяпмиз.

Ўзларини демократлар деб атаётган турли кучлар орасида Ватан ҳақида, умумий диёримиз тўғрисида ўйлаётганлар анчагина эканини кўп кишилар кўришни хоҳламаяптилар. Бир вақтлар ёки нечундир иши юришмаган ва шу сабабли жон-жаҳди билан ўч олишга интилаётган экстремистлар ҳам бор, албатта. Ҳа — мана шундай. Аммо мен ўз йўлини излаётган барча кишиларни, демократия учун курашаётган ҳамма кишиларни марза нариёғидаги муҳолифлар қаторига қўшиб қўйишларига ҳеч қачон рози бўлмайман.

Кадрлар масаласини ҳал этиш хусусида баъзи ўртоқларда ўтмишни қўмсаш майллари намоён бўлди. Аммо энди бу масалаларнинг ҳаммаси фақат демократик жараён доирасида ҳал этилиши мумкин. Энди ҳатто давлат тузилмаларида ҳам ўзбошимчалик билан буйруқлар берилаётгани йўқ. Давлат идораларининг, мансабдор шахсларнинг фаолияти, фуқароларнинг феъл-атвори, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари қонунда, ҳуқуқий негиз билан белгилаб қўйилади. Чунки жамиятдаги вазият мутлақо бошқача. Баъзи ўртоқлар эса бу ерда партияни «вазиятни қўлга олишга» чақирдилар. Сизга очиғини айтсам, бу — бизга керакли чақириқлар эмас.

Ижтимоий жараёнларнинг оғриқлилигини шу нарса ҳам кучайтиряптики, ўзаро рақобатлашаётган сиёсий ҳаракатларнинг қисувига бардош беришга тўғри келмоқда. Улар орасида очиқдан-очиқ ғайрикоммунистик йўналишдаги бузғунчи жангари кучлар ҳам борлиги аниқ. Мана шуларнинг ҳаммасини кўра билиш ва партиямизнинг сиёсий фаолиятида эътиборга олиш лозим.

Албатта, одамларни озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга, пулнинг қадрсизланишига, хўжалик алоқаларининг узилишига, ишлаб чиқаришнинг инқирозига, ҳуқуқ-тартиботнинг заифлашувига ва миллатлараро можароларга алоқадор бўлган жуда қаттиқ қийинчиликларни бартараф этиш ҳақида ғамхўрлик қилиш юки ҳам кўп жиҳатдан КПСС ва унинг ташкилотлари зиммасига тушади. Мана шу муаммоларнинг ҳаммасини ҳал қилиш, мамлакатни танглик ҳолатидан чиқариб олиш осон эмас. Ҳозир унчалик манзур бўлмайдиган чора-тадбирларсиз иш кўра олмаймиз. Мана шуларнинг ҳаммаси партия ташкилотларининг мавқеига оғир таъсир ўтказмоқда, албатта. Шу сабабли мен ушбу минбардан сўзга чиққанларнинг ташвишланаётганликлари н и, ҳеч кечиктирмай кескин чора-тадбирлар кўриш зарурлиги тўғрисидаги масала қаттиқ қилиб қўйилаётганини тушуниб турибман.

Ҳозирги энг муҳим вазифа мамлакатни тангликдан чиқариб олиш жараёнларини тезроқ илгари силжитиш учун партиянинг бутун таъсири, обрў-эътиборидан, ҳамма имкониятларидан фойдаланишдан иборат. Дарҳақиқат, вақт зиқ. Шу сабабли, гарчи Марказий Комитетдаги бир қанча ўртоқларга ёқмаса ҳам, яна бир бор такрорлайман — ваҳимага тушмаслик, саросималикка берилмаслик керак. Биз доимо сергак бўлишимиз, сабр-матонатли, мард бўлишимиз лозим, акс ҳолда, башарти айбдорларни, балогардонларни излай бошласак, шуни айтиб қўяйлик, биз жиддий партия ролини мутлақо даъво қила олмаймиз. Турмуш бизни дучор этган синовга биз бардош беришимиз керак. Биз теран фикрли, ўткир масъулиятли сиёсий таҳлил қобилиятини ҳам тарк этмаслигимиз, масалаларни қатъий қилиб қўйишни ҳам уддалашимиз, аммо шу билан бирга умумий ишга ишончни ҳам сақлаб қолишимиз, партиявий ўртоқликни мустаҳкамлашимиз керак, вабо пайтидаги ғалвани эслатувчи ялпи жанжални бошламай, бирлашишимиз лозим.

Шу сабабли бир қанча ўртоқлар бу ердаги Пленумда вужудга келтирмоқчи бўлган вазиятда мен ҳам масалани мана шундай ўткир қилиб қўйишимга тўғри келди.

Энди якунловчи нутқимнинг иккинчи қисмига ўтаман. Бу ерда тангликка қарши дастурнинг айрим қоидалари ҳақида бир талай қаттиқ танқидий гаплар айтилди. Қарор қабул этилиб, биз уни ёқлаб овоз берган бўлсак ҳам, мен принципиал масалалардаги нуқтаи назарни охиригача ойдинлаштириш учун баъзи жиҳатларга барибир қайтмоқчиман. Чунки шу масалалар хусусида ҳамжиҳатлик бўлмаса, бутун партиянинг бир ёқадан бош чиқариб фаол ишлашига умид қилиб бўлмайди.

Бу ерда ўртоқлар тангликдан чиқиб олишнинг меҳнаткашлар гарданига тушадиган юкини енгиллаштириш манфаатларни кўзлаб, шу пайтда муқаррар кўриладиган зарарни имкони борича камайтиришни кўзлаб, мен тангликка қарши дастур устидаги ишнинг якунловчи босқичида обдон кўриб чиқилиши лозим бўлган жуда жиддий талабларни партия номидан қабул этаман. Вазирлар Маҳкамаси бу талабларни ҳисобга олиб, Олий Кенгашда ҳам, жумҳуриятлар ҳукуматларининг вакилари билан учрашувда ҳам, иқтисодчиларнинг учрашувларида, касаба уюшмалари томонидан, саноат уюшмаларининг раҳбарлари билан ва бошқалар билан учрашувларда ҳам ўртага қўйилган танқидий мулоҳазалар амалга оширилиши лозим, деб ҳисоблайман.

Тангликка қарши дастурнинг мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш юзасидан ҳеч кечиктириб бўлмайдиган кескин чоралар ҳақида гап борган қисмини кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Нотиқларнинг танқидий кайфиятларидан ростини айтганда, тангликка қарши чора-тадбирлар мажмуини зудлик билан амалга ошириш зарурлиги тушунчаси изҳор этилганини сезиб олдим. Бирбирига зид фикрлар қалашиб ётган бўлишига қарамай, биз мана шундай дастур зарурлиги тўғрисида узил-кесил ижобий хулосага келганлигимиз жуда муҳимдир. Бу дастур пухта ишлаб чиқилиши, идрок этилиши, уни амалга ошириш воситалари нуқтаи назаридан обдон ўйлаб кўрилиши керак, албатта. Бутун-бутун етакчи партия ташкилотлари: «Йўқ! Бу Программа йўқотилсин!» деб ҳукм чиқарганликларига қўшилиб бўлмайди. Бунда ҳар қандай йўл билан эътибор қозониш, арзон обрў орттириш муддаоси йўқмикан? Агар биз ҳам арзон обрў орттириш йўлига тушиб олсак, мамлакат иқтисодиётини тангликдан чиқариб олишнинг амалий вазифаларини қандай қилиб ҳал қила олишимизни умуман айтиш қийин.

Шу боисдан ҳам, такрор айтаман, биз гарчи қийин бўлса ҳам баҳамжиҳат бир қарорга келганимиз жуда муҳим бўлди. Бунинг сиёсий аҳамияти жуда катта.

Бироқ ҳукуматнинг тангликка қарши дастури халққа қарши ҳужжат деб эълон қилинган нутқларни жавобсиз қолдира олмайман. Мухолифчиларнинг вакиллари нега ва қай мақсадда шундай деляётганлари тушунарли. Аммо КПСС Марказий Комитетининг аъзолари шундай дейишларинчи? Буни охиригача пухта ўйланган нуқтаи назар, деб ҳисобламайман.

Ўртоқлар, биз Пленумда баҳамжиҳат бир қарорга келганимиздан кейин тангликка қарши чора-тадбирларга нисбатан мана шундай муносабат давом этаверишини ҳоҳламайман. Агар Марказий Комитет аъзоларининг, жумҳурият ва вилоят партия ташкилотлари раҳбарларининг бир қисми шундай фикр билан уйларига жўнаб кетадиган бўлсалар, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Тангликка қарши дастурни турмушга татбиқ этиш учун бир ёқадан бош чиқариб онгли равишда ҳаракат қилишимиз зарур.

Раҳбарлар орасидан кимдир ўтиш даврининг машаққатларини меҳнаткашларнинг гарданига юклашни атайлаб режалаштириб қўйган, деган даъволарни қатъиян рад қиламан. Юмшоқ қилиб айтганда, буни арзон обрў орттириш пайида юритилган уқувсиз мулоҳаза, деб ҳисоблайман. Ўртоқ Бузгалин «агар биз шу ҳужжат билан қайтиб борсак, бошланғич партия ташкилотлари бизнинг фикримизни англамайдилар» демоқда. Бу ерда шу фикр доимо янграб турибди. Пленумда нима бўлган бўлса, шу билан қайтиб борамиз. Ҳар биримиз қабул этилган умумий нуқтаи назарни, ўз қарорларимизни тушунтириб берамиз. Агар Марказий Комитет аъзолари халққа унчалик ёқмайдиган чора-тадбирлардан ўзларини четга олишни афзал кўрсалар, — тангликка қарши дастурдаги чора — тадбирларнинг анчағина қисми халққа унчалик ёқмайди, албатта, — охир-оқибатда бу нарса Марказий Комитет аъзоларига ҳам, партияга ҳам обрў келтирмайди. Биз аниқ тарихий вазиятда, аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитда ишлаяпмиз, шу сабабли аниқ воқелик билан ҳисоблашишга ва одамларга ҳақиқатни айтишга мажбурмиз. Дастуримизда воқелик ҳисобга олинган тақдирда у қабул этилиши ва амалга оширилиши мумкин. Модомики шундай экан, келинглар, ўртоқлар, бозор муносабатларига қараб бориш — гўё таслим бўлиш, XXVIII съезд қарорларини гўё тафтиш қилиш ва ҳоказо деган гаплар хусусидаги мунозарани бас қилайлик. Агар сизлар съезднинг дастурий баёнотини синчиклаб ўқиб кўрсангиз унда бозор муносабатларига қараб бориш ҳақида ҳам, нарх белгилашни ислоҳ қилиш тўғрисида ҳам, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ҳақида ҳам айтилганини кўрасиз. Хуллас, бу дастур партия илгари сурган сиёсатга мос келади. Ниҳоят, сиёсий йўл бор, шу йўлга асосланиш, унга амал қилиш ва ишлайвериш лозим.

Мамлакат раҳбарияти тангликка қарши дастурни партия ва халқ билан маслаҳатлашмай ишлаб чиқди, деган даъволар ҳам асоссиздир. Биринчидан, партия съездида ва унга тайёргарлик даврида биз бозорга ўтиш масалалари хусусида кўп ва кенг мунозара қилган эдик. «500 кун» дастурига муқобил равишда «асосий йўналишлар» ҳақида Н. И. Рижков ўртага қўйган таклифларнинг шаклланиш жараёнини эсга олинг. Бу мунозараларда бутун жамият қатнашган эди. Шунинг ўзи халқ билан маслаҳатлашув эди. Хўш, ҳозир Олий Кенгашда, ҳукуматда кимлар ўтирибди? У ерда ҳам коммунистларнинг вакиллари кўп. Бугунги Пленумнинг ўзи ҳам жамики фойдали, амалий таклифлардан фойдаланиб, тангликка қарши дастурни узил-кесил қиёмига етказишда уни бойитиш учун қилинаётган маслаҳатдир.

Умуман, сирасини айтсам, эҳтиросларни ҳадеб кучайтиравериш ярамайди. Қаерда турганимизни мен англаяпман, биз иқтисодиёт ва давлат барбод бўлай деб қолган чизиқ ёнида турибмиз. Буларнинг ҳаммасини кўряпман. Модомики, шундай экан, айниқса ҳозир сабот-матонатли бўлиш, қулочкашлаб савалайбермай, балки жиддий сиёсий таҳлил этиш қобилиятини сақлаб қолиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Мухолиф кучлар партия раҳбариятини, мамлакат раҳбариятини издан чиқаришни ҳоҳламоқдалар. Улар ўз мақсадларига эриша олмаётганликлари, конституциявий йўл билан ҳокимиятни қўлга кирита олмаётганликлари сабабли оломон, сафсатабозлик орқали, гижгижлаш ва одамлар оммаси бошига тушган қийинчиликлардан фойдаланиб қолиш орқали ҳаракат қилмоқдалар. Партиямизда ҳам баъзи бировлар ана шундай усуллар билан ҳаракат қила бошладилар. Ўртоқлар, бундай қилиш ярамайди, бундай ишлаш мумкин эмас.

Ҳозирги танг вазиятдан чиқишни қандай усуллар билан таъминлаш мумкин, деган масала аслида баҳс-мунозараларнинг марказига тушиб қолди. Йўналишлардан бири жавобларни жамиятимизни тубдан янгилаши, уни ўзгартириши лозим бўлган ислоҳотларни давом эттириш ва ривожлантириш йўлидан излашдан иборат. Менимча, биз учун, КПСС учун тангликдан чиқишнинг жамиятдаги барча ватанпарвар кучларни, барча демократик сиёсий ҳаракатларни бирлаштириб, уларни ҳамма учун мақбул бўладиган тангликка қарши дастур теварагида жипслаштиришга эришиб, жамиятда конституциявий тартибни тиклаш ва мустаҳкамлашдан бошқа усули йўқ. Партиямиз ўзининг принципиал позициясини қўлдан бермай, унга содиқликни сақлаб қолиб, умуммиллий вазифаларни ҳал этиш манфаатлари йўлида зарур бўлса бошқа сиёсий кучлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин ва лозим. Умуман бу чинакам сиёсатнинг алифбосидир, бундай иш тутиш зарурлиги ҳақида Ленин жуда кўп гапирган ва амалда шунга риоя қилган эди.

Шунга қарамай, ҳозир биз тангликдан чиқишнинг бутунлай бошқа усулини ёқлаётган қатъий овозларни эшитяпмиз. Айрим ўртоқлар бу тангликдан фақат бутун мамлакатда фавқулодда ҳолатни жорий этиш орқали чиқиш мумкин, деб ўйламоқдалар. Бунинг устига фавқулодда ҳолатни жорий этиш деганда ишлаб чиқаришда, айниқса, унинг энг муҳим тармоқларида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш эҳтиёжи кўзда тутилаётгани йўқ.

Очиқ гаплашиб олайлик. Кўп одамлар аслида фавқулодда чораларни қайта қуриш давридан олдин бизда мавжуд бўлган сиёсий системага қайтиш воситаси, деб билмоқдалар. Ҳукмрон партиянинг мақомини қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги масала қўйиляпти. Кимдир Конституциянинг олтинчи моддаси амал қилган даврни эслатувчи ҳолатга қайтишни ҳоҳлаётган бўлса жамият бундай позицияни қабул қилмайди. Бу қайта қуришга қарши концепция, олдинги системани қайта тиклашга ҳаракат қилиш, деб баҳоланади. Шу сабабли биз жамиятда юз берган жараёнларни ҳисобга олиб, янги роль ва янги усулларни, ишнинг янги услуби, усуллари ва шаклларини излашимиз керак. Эски шаклларга қайтишга уриниш эса партияни ҳалок қилиш демакдир. Ҳозирги пайтда гўё партия янгиланишга қодир эмас, янги вазиятда ишлай олмайди, деган гаплар айтилмоқда. Бундай ғаразлар учун баҳона топиб бермаслик керак.

Ҳамма ўртоқлар шу ҳақда яхшилаб ўйлаб олишларини истар эдим. Жамиятни демократиялашнинг ҳақиқий жараёни даражасида фаолиятнинг сиёсий усулларини фаолроқ ўзлаштириш керак. Акс ҳолда вақтни беҳуда ўтказамиз, воқеалардан орқада қоламиз.

Янги шароитда биз мунтазам равишда халқ кўпчилигининг ишончини қозонишимиз керак. Ҳозирги шароитда энг мақбул йўл — сиёсий оралиқни кўзлаш эканлиги ҳақида олдин ҳам гапирган эдим. Бу бугун Пленумда эътибордан четда қолмади. Ҳозирча бундай ёндашувни танқид қилувчилар қаторида турган кишилар гўё оралиқ сиёсат қандайдир бир ботқоқ, ўз мавқеининг йўқлиги, уларнинг мавҳумлигидир, деган эски тасаввурларга асир бўлиб қолмоқда. Мен бундай фикрга қўшила олмайман. Бу ўз позициясининг, ўз йўлининг йўқлиги эмас. Аксинча, мен бундай ёндашувда умуман гапирадиган бўлсак, агар биз шу ёндашувга амал қилсак КПССнинг жамиятдаги ролини жуда юксакликка кўтариши, ҳамкорлик қилишга тайёр турган иттифоқчиларни жалб этиши мумкин бўлган позицияни кўриб турибман.

Олдимизда Иттифоқ давлатимизни сақлаб қолиш ва янгиланишни таъминлаш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий тангликни бартараф этиш каби аниқ ва тушунарли вазифалар турибди. Жамиятдаги барча соғлом кучларни ана шу вазифалар теварагида жипслаштириш керак. Бундай кенг миқёсли умумхалқ ҳаракати ўнг ва сўл экстремистларнинг иғвогарликдан иборат режаларини барбод қилишга қодир. Яна бир бор таъкидлайман, оралиқ сиёсат йўли ҳамма кучлар ва ҳар бир куч оғмачиларча киришишни билдирмайди. Айни соғлом фикрловчи кўпчиликка таяниш ҳар қандай турдаги коммунизмга қарши, миллатчи, шовинист, иғвогар ва бошқа унсурларнинг даъволарини рад этиш ва жиловлаб қўйиш имконини беради. Кўпчиликка таяниш бундай унсурларнинг танглик вазиятидан фойдаланиб, ҳокиминятни қўлга киритишига имкон бермайди. Кўпинча сиёсий оралиқ йўлнинг ижтимоий базаси қандай, деб сўрашади. Мен янгиланишни хоҳлаётган, жамиятимизнинг демократия ва инсонпарварлик йўлидан боришини, адолат қоидалари қарор топишини хоҳлаётган, бунга жамиятни парчалаб юборишни, жиддий гражданлик можароларини келтириб чиқариши мумкин бўлган қаттиқ кураш асосида эмас, балки тотувлик асосида эришишни хоҳлаётган одамларимизнинг асосий кўпчилигини ана шундай ижтимоий база деб биламан.

Катта ва тушунарли мақсадлар борки, уларнинг теварагида жамиятни жипслаштириш мумкин. Мана шунинг ўзи жамият манфаатлари сўзсиз равишда партиянинг тор гуруҳий манфаатларидан устун бўлиши лозимлигини кўрсатадиган аниқ-равшан ҳолатдир. Биз ўзимиз шундай ҳаракат қилсакгина, фақат шу ҳолдагина бошқалардан ҳам шуни талаб қилишимиз учун маънавий ҳуқуққа эга бўламиз. Буларнинг ҳаммаси Конституция қоидалари ва қонунларига қатъий риоя этиш доирасида бўлади, албатта.

Ҳозирги шароитда партиянинг мавқеи тўғрисидаги масала ҳаммамизни ҳаяжонга солмоқда, албатта. Менимча, биз бу муҳим масалани ҳар томонлама ўрганишни давом эттиришимиз керак.

Бу мулоҳазаларимни сизлар партия учун энг долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини излашни сиз билан биз давом эттиришимизга таклиф, деб тушунишларингизни истайман. Лекин бу изланиш партия Марказий Комитетидаги амалий муҳитга, унинг фаолиятида ўртоқлик қоидалари қарор топишига, албатта, кўмаклашмоғи лозим.

Энди бир қанча партия комитетларининг партия фавқулодда съездини чақириш тўғрисидаги таклифлари ҳақида. Мен фавқулодда съезд чақиришни айни ҳозирги пайтда зарур деб ҳисоблаламайман. Съезд чақиришни ёқлаганлар эса, очиғини айтганда, мени ишонтира олмадилар. Биринчидан, КПСС XXVIII съездининг қарорлари ҳали тўла бажарилган эмас. Биз уларни эндигина чинакамига амалга ошира бошладик. Иккинчидан, партия бутун кучни мамлакатни тангликдан чиқариб олишга доир амалий ишларга қаратиш зарурати олдида турибди.

Партия ташкилотларининг партия ички муаммоларини ҳал қилишга берилиб кетиб, айни шу қизғин даврда асосий воқеалардан четда қолиши хавфи ҳам бор. Ҳолбуки, бошқа сиёсий кучлар ишчилар ҳаракатидан, деҳқонлар ҳаракатидан ўз мақсадларини кўзлаб фойдаланиб ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олишга уринмоқда. Шунинг учун ҳам менимча, съезд ишлаб чиқан йўналишлар ҳали ўз аҳамиятини йўқотмаган экан, ҳозир бутун эътиборни партия ўзини тангликка қарши дастурни амалга оширишда фаол куч сифатида намоён этишига қаратиш лозим. Шундай қилсак биз ютиб чиқишимиз, халқ орасида катта обрў орттиришимиз, иттифоқчилар ва шериклар билан ҳамкорликни йўлга қўйишимиз мумкин. Бутуниттифоқ партия конференциясига келганда эса бу масалага Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумида қайтишга қарор қилиб, тўғри қилдик, деб ўйлайман.

Пировардида, ўртоқлар, Иттифоқ ва тўққиз жумҳурият раҳбарлари 23 апрель куни имзолаган қўшма баёнотни яна бир бор ўйлаб кўришни ва унга бутун масъулият билан муносабатда бўлишни илтимос қиламан. Шуни айтишим керакки, бу позицияларни келишиб олиш жўн бўлгани йўқ, уларни амалга ошириш даврида аҳдлашувни сақлаб қолиш тағин ҳам қийинроқ бўлади. Лекин мен жамият учун шу қадар масъулиятли даврда эришилган тотувлик сақланиб қоладиган ва рўёбга чиқадиган тарзда ҳаракат қилишимиз лозим деб ўйлайман. Иттифоқ ва тўққиз жумҳурият раҳбарларининг бирлашган шу куч-ғайратларини, келинглар КПСС томонидан қўллаб-қувватлайлик. Бу жуда катта аҳамиятга молик бўлади. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, шубҳа уруғини сочишга, бу ҳужжатнинг аҳамиятини камайтиришга уринаётган матбуот органлари ҳам бор. Баъзилар бу ҳақда ҳеч нарса ёзмаяпти, чунки тотувликни исташмайди. Амалий ҳамкорлик қилишни ҳоҳламайдиган, «қанча ёмон бўлса, бизга шунча яхши» деган қоида асосида ҳаракат қилаётган кучлар бор. Булар халқ тақдири билан мутлақо қизиқмайдиган ўша сиёсий сафсатабозлардир. Айни шу сабабли қўшма баёнотдаги келишилган чора-тадбирларни КПССнинг бутун обрўси билан, унинг мавжуд барча имкониятлари билан қўллаб-қувватлашимиз, бутун халқнинг, бутун мамлакатнинг манфаатлари йўлида бу чора-тадбирлар амалга оширилишига кўмаклашмоғимиз керак.

Умуман, Марказий Комитетнинг Пленумида суҳбат жуда қийин кечди. Ҳаммамиз буни ҳали яна ўйлаб кўрамиз. Мен бундан амалий хулосалар чиқариб оламан, сизлар шунга асосланиб иш тутишларингиз мумкин. Лекин, ўртоқлар, мен ҳам сизларга худди шундай таклиф билан мурожаат қиламан. Агар биз шу ердан «мана биз унинг таъзирини бериб қўйдик» деб, мен эса «мен уларнинг таъзирини бердим» деган кайфият билан тарқаладиган бўлсак, у ҳолда сиз билан биз ҳеч нарсага арзимаган бўлур эдик. Биламан, бу ерда жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий кескинлик кўзга кўринмас ҳолда ҳозир бўлган эди. Сўзга чиққан ўртоқлар, пировард натижада ҳар бири ўзи учун жон куйдирмаётганлигини мен ҳисобга оламан, буни тушунаман. Лекин, келинглар, сабр-бардошли бўлайлик, ўртоқликни сақлаб қолайлик ва бир-биримизнинг мададимизни ҳис этиб турайлик. Бутун мамлакат, бутун жамият ва партиямиз турган тарихнинг кескин бурилиш босқичи шуни тақозо этмоқда.

Ҳаммангизга ишларингизда муваффақият тилайман, келинглар, КПСС Марказий Комитети, бутун партия мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш ва соғломлаштиришга самаралироқ кўмаклашадиган даражада ҳаракат қилайлик. **(Қарсаклар).**

А. С. ЕФИМОВ нутқи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби

Ўзбекистон коммунистларининг позицияси тўғрисида гапирмоқчиман. Биз мамлакатимизда танг вазият кучайиб бораётгани муносабати билан Пленумда ташвиш билдириб айтилган гапларга тўла қўшиламиз. Бугунги кунда, эҳтимол, биз жамиятни ҳақиқатан ҳам жипслаштира оладиган, уни нормал бунёдкорлик меҳнатига қайтара оладиган сиёсий куч эканимизни халқимизга исботлаш учун бирдан-бир имкониятимиз қолмоқда.

Лекин бунинг учун биз ниҳоят амалий ишлар билан шуғулланмоғимиз керак. Мен нимани назарда тутяпман? Биринчидан, бу залда ўтирганларнинг кўпчилиги фавқулодда тадбирлар кераклиги ҳақидаги фикрларга қўшиладилар, деб ўйлайман. Мен қонун диктатурасини ўрнатиш керак, деган бўлур эдим. Агар биз бундай қилмасак, жамиятда тартиб ўрнатмасак, таназзулга қарши ҳеч қандай иқтисодий тадбирларни амалга ошириб бўлмайди. Буларнинг ҳаммасини фақат битта шарт билан — агар сиёсий барқарорлик бўлган тақдирдагина қилиш мумкин. Биз сиёсий ва иқтисодий таназзулдан чиқишнинг аниқ ва ҳар бир кишига тушунарли дастурини таклиф этишимиз лозим.

Ҳукумат дастури ҳақида бир неча оғиз гапирмоқчиман. Таклиф этилган у ёки бу тадбирларнинг сиёсий оқибатларини билиб олиш учун дастурни таҳлил қилиш керак бўлур эди. Бунда жамиятни ларзага келтириши ёки халқ қабул қилмаслиги мумкин бўлган янги тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг муддатларини кўчириш керак эди. Бунга уй-жойларни хусусийлаштириш ҳам, савдо-харид кооперативларини ривожлантириш ҳам, нарх-навони эркинлаштириш ҳам киради. Булар қабул қилинмаяпти, булар рад этиляпти, булар янада кескин, хавфли вазиятни келтириб чиқаряпти. Умуман олганда эса, бизнинг фикримизча, иқтисодиётни барқарорлаштириш, ягона иқтисодий майдонни сақлаб қолишга қаратилган ҳукумат дастурининг умумий йўналиши ҳозирги давр талабига жавоб беради. Уни рўёбга чиқариш учун, чамаси юқоридан пастгача давлат тузилмаларини ҳам, ижроия тузилмаларини ҳам тезда мустаҳкамлаш, айни вақтда иқтисодиётда жумҳуриятлараро алоқаларни ривожлантириш керак бўлади. Бу мустақил жумҳуриятларнинг тантанавор юриши эмас. Йўқ. Бу ҳаётий зарурат ва бу нарсалар қўшма баёнотда жуда тўғри таъкидланди.

Жамиятни сиёсий таназзулдан олиб чиқишни таъминлаш, деб сўзида давом этди нотиқ, партиянинг асосий вазифасидир. Ўйлайманки, у қандай қилиб шундай аҳволга тушганини эслаш ёмон бўлмайди. Биз жуда ақлли ва ёвуз бир қўл, хусусан партия жамиятни жипслаштирувчи куч эканини тушуниб, бизни ҳандақларга жуда қувлик билан қувиб туширгани лом-мим демай кузатиб турдик. Чунки бу босқичлар ҳозир яхши маълум ва ҳатто улар қачон бошланганини ҳам айтиб бериш мумкинлигини эслаб кўринг. Аввалига «Бўлашиб ол-да, ҳокимлик қилавер» деган маънода уни шундай бўлашиб олдик: мана бу энг юқоридаги партократия ва мана буниси оддий коммунистлар дедик. Кейин яна сал пастроқ тушдик: мана булар партия идорасининг ходимлари, булар эса оддий коммунистлар, дедик. Кейин ўтмишга зарба бердик, партияни мафкурасидан маҳрум қилишгача, Ленингача етиб бердик... Ҳатто инқилоб инқилоб эмас, урушдаги ғалаба ҳам керак эмас, деган гапларгача бориб етдик... Шундан кейин мафкурадан холи қилиш чоғида партиядан холи қилиш бошланди ва табиийки, оммавий ахборот воситалари ана шу тўстўполонда секингина, бизнинг жим туриб берган розилигимизга кўра тарқалиб, ҳар ким ўзи хоҳлаган хонадонга кириб кетди.

Ҳар қандай дастур у қанчалик жозибадор ва чиройли бўлмасин — бу ҳали ишнинг ярми демакдир, деди нотиқ. Таназзулга қарши сиёсатимизни давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларидаги коммунистлар, барча даражалардаги Советларга халқ сайлаб қўйган депутатлар орқали ўтказа оламизми? Чунки дастурга илова қилинган қонунлар мажмуи ниҳоятда кўп. Бу шунчаки айтилаётган гаплар эмас. Чунки биз ҳозирги вақтда партиянинг сиёсий раҳбарияти суст ва жуда секин ишлаётганини яхши кўриб турибмиз. Сиёсатимиз асосида қабул қилинаётган кўпгина қарорларга тўсқинлик қилинмоқда. Партиясизлар ҳам, коммунистлар ҳам қарши овоз беришмоқда. Парокандаликдан қутулиб қолиш мумкин эди, лекин СССР халқ депутатлари партия гуруҳини ташкилий жиҳатдан расмийлаштиришда ҳам жуда кеч қолдик. Бироқ, аллақачон етилган қадамни ташлагач, аслида олға бораётганимиз йўқ ёки боришни хоҳламаяпмиз. Мен КПСС ҳукмрон партия бўлиб қолмоқда, деган фикрлар билан ўзимизни ўзимиз овутишни ниҳоят тўхтатишимиз керак деб ўйлайман. Модомики Иттифоқ халқ депутатлари корпусида коммунистлар мустаҳкам кўпчиликка эга эмас эканлар ва уларнинг таъсир доираси кучли эмас экан, демак бугун бизда бошқарувнинг зарур омиллари йўқолиб кетган экан-да.

Мана шундай ноҳуш фикрларни айтишга тўғри келмоқда. Бу коммунистлар депутат фракциясидан ташқарида ишлаётган, биз учун мақбул йўл тутаётган ва шу йўлда қолаётган кишиларни ўзимиздан узоқлаштирмаслигимиз кераклигидан дарак беради. Бу амалий кўпчиликнинг ягона уюшмасини шакллантириш учун яхши асос яратади. Кимки бизга қарши бўлмаса — у биз билан, шу сабабли парламентлардаги партия гуруҳлари гарч

1991 йил—Алишер Навоий йили

ИМОНУ ЭЪТИҚОД БИЛАН...

Яқинда Тошкентда Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига тайёргарлик ва уни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишларни таҳлил этишга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Унда навоийшунос олимлар, ёзувчилар, республика ойнома ва рўзномаларининг муҳаррир ва муҳаррир ўринбосарлари, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, журналистлар иштирок этишди. Улар Алишер Навоий юбилейини нишонлаш бўйича тайёргарликнинг бориши, унинг матбуот саҳифаларида, радио ва телевидениеда ўз аксини топиши ҳақида фикр алмашдилар.

Анжуманга республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзбекистон Ахборот агентлиги директори, матбуот маркази раҳбари Э. Қ. Ҳайитбоев раислик қилди.

Шу қутлуғ кунларда, деб таъкидланди йиғилишда, улуғ бобомиз Навоий руҳи қалб ва шууримизни ҳар қачонгидан ҳам ёрқин munaввар этиб турибди. Буюк шоирнинг даҳоси, унинг ғазаллари ва доно ҳикматлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё халқларининг тилларида, дилларида ёдланиб, акс-садо бермоқда. Шуниси характерлики, Навоий таваллудининг 550 йиллигига тайёргарлик даври шоир ижодини янада чуқурроқ ўрганиш ва тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Республика юбилей комиссиясининг шу йил 5 февралда Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов раислигида ўтказилган кенгаши Навоий туғилган кунга бағишланган тадбирларни бекаму кўст амалга ошириш режаларини аниқ белгилаб берди. Конференция қатнашчилари асосий эътиборни ана шу тадбирлар қандай бажарилаётганлигига қаратдилар.

Шоир таваллуди муносабати билан 8-9 февраль кунлари ўтказилган тадбирлар сентябрь ойидаги катта анжуманнинг дебочаси бўлди. Апрель ойида Сурхондарё, Бухоро вилоятларида Навоий кунлари ўтказилди. Туркманистонда бу кунлар ғоят кўтаринки руҳ билан ўтди. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларида ҳам ана шундай маросимларни ўтказишга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбек китобхонлари адабиёт тарихида биринчи марта Навоийнинг 20 жилдли тўла сайланма асарларини олишга муяссар бўладилар. Ҳозирча матбаачилар унинг 8 томини нашрдан чиқардилар. Умуман, шоир маънавий мероси жамланган ўттиз номдаги китоб ўз ўқувчиларига етиб боради.

Алишер Навоий кунларига бағишлаб олимлар ва адабиётшуносларнинг учрашувлари, илмий-адабий конференциялар, ижодий жамоаларнинг концертлари, ёзувчилар, драматургларнинг шу мавзудаги асарларини театрларда саҳналаштириш, китоб ярмаркалари ва кўргазмалар ташкил этиш ишлари ҳамма вилоятларда ўтказилмоқда.

Тошкент, Самарқанд ҳамда бир қатор бошқа шаҳар ва қишлоқларда Алишер Навоий ҳайкаллари ўрнатилди, боғлар барпо этилмоқда. Пойтахтимизда эса шоир номидаги истироҳат боғи очилади. Мазкур боғ В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройидан бошланиб, Комсомол кўлигача бўлган 126 гектар майдонни эгаллайди. Ундаги баландликда шоирнинг етти метрлик улкан ҳайкали қад кўтаради. Шуни айтиш керакки, шоир ижоди ҳақида йирик халқаро анжуман ўтказиш мўлжалланяпти.

Йиғилиш қатнашчиларининг сўзлари ва савол-жавобларидан маълум бўлдики, Навоий таваллуди нишонланадиган санагача яна талайгина ишлар бажарилиши лозим.

— Тошкент, сўнгра Самарқандда бошланадиган тантаналар Москвага кўчади, — дейди республика маданият вазири Н. Ё. Ғойибов. — 22 сентябрь куни республикамиз вакиллари Москвага ташриф буюришиб, ваколатхонамизда матбуот конференцияси ва бошқа бир қатор тадбирларни ўтказишади. 25 сентябрь куни эса Большой театрда катта концерт намойиш этиш режалаштирилган. Шуниси қувончлики, Москва шаҳрида ҳам Алишер Навоий ҳайкали ўрнатиладиган бўлди. Лекин у қайси жойдан ўрин олиши ҳали номаълум. Юбилей тантаналаригача мемориал ёдгорлик, ҳайкал эса келгуси йили ўрнатилади.

— Шаҳримизда Навоий ҳайкали янгидан таъмирланиб очилди, — деди филология фанлари доктори, профессор А. П. Қаюмов, — Шоирга яна бошқа ёдгорликлар ўрнатиладими? Ҳа, Комсомол кўли томонига бораверишда ёдгорликлар комплекси қад кўтаради. «Меъмор» ижодий уюшмаси бу борада катта тайёргарлик кўрмоқда. Кўплаб шундай ижодий асарлар танлови ўтказилиб, шулардан тўққизтаси маъқул деб топилди. Биттаси Тошкентга қўйилса, қолганларини республикамиз вилоятларида ўрнатса бўлади. Барпо этилажак боғда шеърият шийпони ҳам қад кўтаради.

Олим, шунингдек Навоий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш давомида шоир асарларини нотўғри талқин этишдан, фактларни бузиб кўрсатишдан сақланиш лозимлиги ҳақида гапирди. «Ёшлик» журналида эълон қилинган айрим чалкаш фикрлар ҳақида сўзлади.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст, адабиётшунос олим А. Ҳайитметов шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида ёзилган айрим саёз материалларни вақтли матбуот саҳифаларида қайта-қайта эълон қилишга уринилаётганлиги ҳақида гапирдилар. Шоир ижодини енгилгина мулоҳазалар билан эмас, юксак бадиий савиядаги илмий мақолалар — янги кашфиётлар билан бойитиш лозим эканлиги уқтирилди.

Фикрлар хилма-хиллиги буюк бобомиз юбилейи тантаналарига катта имон-эътиқод билан келаётганимиздан дарак берди. Афғонистон тупроғидаги Навоий мақбарасини ҳозирча енгилроқ, кейинчалик эса мукаммал таъмирлаш, шоир хокини республика пойтахти тупроғига келтириш лозимлиги ҳақидаги таклифлар ўринли эканлиги эслатиб ўтилди. Шунингдек, Тошкентда Навоий номидаги мактаб-интернат очилиши ва унда иқтидорли ёшларни танлаб гуманитар фанлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилиши таъкидланди.

Улуғ шоир ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий инсоният маданияти хазинасини бойитган энг буюк алломалардан бири эканлиги, унинг бебаҳо асарлари кишилар онгини шакллантиришда муҳим роль ўйнаётганлиги бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Мўътабар устоз таваллуди тўйи тантаналарига ҳар бир фуқаро зўр эътиқод билан муносиб улуш қўшмоғи лозим.

Анжуманда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Юсупов, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Б. А. Назаров қатнашиб сўзга чиқдилар.

П. НИШОНОВ,
З. УСМОНОВА,
ЎзТАГ мухбирлари.

БУҒДОЙНИНГ ҲАММАСИ УН

Самарқанд дон маҳсулотлари корхонасида тайёрланаётган унга новвойлар яхши баҳо бермоқдалар. «Ҳақиқий тегирмоннинг унига ўхшайди», дейишяпти улар.

— Бу гапда жон бор, — дейди корхона директори Соли Ражабов. — Илгари битта буғдойнинг ўзидан ўнга яқин маҳсулот ажратиб олардик. Роса элаб олингани ун бўларди. Очиғи, буғдойнинг қуввати иккинчи даражали маҳсулотларга ўтиб кетарди. Ниҳоят, мутахассисларнинг таклифи ва бевосита ёрдами туфайли биз ўзимизнинг қадимий, сервитамин унимизни тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирлиги эскича усулни тиклашда Самарқанд корхонасини танлади. Қисқа муддат ичида қувурлар таъмирлаб чиқилди. Цехдаги ускуналар янги механизмлар билан жиҳозланди. Биринчи ва иккинчи навга «тортадиган» қувурлар бирлаштирилди, элаклар ҳам янгиланди.

Натижада уннинг сифати яхшиланди. Пиширилаётган нонларнинг таъмини биринчи бўлиб новвойлар сезишди. Шифокорларнинг айтишича, бу хил ундан тайёрланган нонлар шифобахш ҳам ҳисобланади. Самарқанд шаҳри, Булунғур, Қўшработ, Ургут ва Самарқанд районлари аҳолиси бундай хуштаъм ун тайёрлаётган тегирмончиларга раҳмат айтишмоқда.

Янгича усулда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Корхонада янчилган буғдойдан олинаётган тоза маҳсулот 76 фоиздан 82 фоизга кўтарилди. Илгаригига қараганда бир кеча-кундузда 40—45 тонна кўп ун тайёрланмоқда. Бир йиллигини ҳисобласангиз, савдо тармоқларига режага қўшимча равишда 10.000 тонна маҳсулот жўнатиш мумкин.

Дарвоқе, маҳсулот нархи ўзгарган эмас. Бугунги кунда Каттақўрғон дон маҳсулотлари корхонаси ҳам ўз ускуналарини янгича усулга мослаштирмоқда.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

АБДУҚАҲҲОР ИБРОҲИМОВ.

АБАДИЙ ЗАМОНДОШЛАР

Алишер Навоий йилида мавлоно Фитрат ҳақида сўз юритишнинг ўзгача мазмуни ва завқи бор. Фитрат Навоийдан салкам тўрт ярим асрча кейин туғилган. У таваллуд топганида «Хамса»нинг ёши 401 дан ошган эди. Сиртдан қараганда шундай. Аслида буюк сиймолар учун асрларнинг аҳамияти йўқ. Давр улар ўртасига тўсиқ сололмайди. Алишер Навоий XV асрда яшаган кишилар учун замондош бўлганидек, ундан кейинги асрларда яшаб ўтган кишилар учун ҳам замондошдир ва ҳамон шундай. Фитрат уни кўрган, бирга яшаган ва ишлаган кишиларнинг муайян қисмига қараганда бизларга кўпроқ замондошдир, замондошлик қилмоқда ва бундан кейин ҳам замондош бўлиб қолади.

Мен бу икки улуғ сиймонинг ижоди ҳақида илмий мақола ёзишни мақсад қилганим йўқ. Балки, Алишер Навоий ижоди билан Фитрат ижоди ўртасидаги муштарак нуқталар тўғрисида, шеърият мулки султонининг йилида унинг XX асрдаги шогирдлари ва маънавий ворисларидан бирини хотирга олиш асосида икки-уч фикримни билдирмоқчиман, холос. Мавлоно Фитрат ҳам бобомиз Алишер Навоий каби қомусий билимлар соҳиби ва серқирра ижодкордир. Адабиёт, санъат, маданият, фаннинг у кўл урмаган соҳаси топилмаса керак. Фитрат энг аввало ватанпарвар фуқаро эди. Унинг шу табиий-вужудий жиҳатидан асосий фазилати келиб чиқади. Фитрат Навоий бобомиз сингари ватаншунос эди. Унинг энг эски туркий адабиёт намуналарини ўрганиши ана шундандир. У қадим адабиётимиз илдизларини халқ қўшиқларидан излади ва топди. Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Мажолисун ннафоис» асарининг саккизинчи мажлисида Ҳусайний ғазаллари буткул бир вазнда—халқ шеъриятидан арузга олиб киритилган туркий вазнида ёзилганини, бу элимиз назминнинг «Ёр-ёр» йўли эканини ифтихор билан таъкидлаб ўтади. Демак, Фитрат халқ ижодига муҳаббатни устоз Алишер Навоийдан ўрганган дейиш мумкин. Ҳа, Фитратнинг «Инсоният ҳақида Навоий қандай фикрда» деган асар ёзиши ҳам бежиз эмас.

Алишер Навоий Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Қутб Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Лутфийлар қаторида тилимизни бойитиб, уни юксак чўққиларга олиб чиққан бўлса, бу шарафли вазифани XX асрда юракдан давом эттирганлардан бири Фитратдир. У тил текширувчи, ўрганувчи, яратувчи ва покловчидир. Ўнлаб мақолалари шунга яққол далил. У айни пайтда тил ҳимоячисидир. Бугунги кунда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган экан, бу сиёсий ютуқда Фитратнинг Октябрь ўзгаришидан олдин ва кейинги, айниқса, Бухоро жумҳуриятида масъул лавозимда ишлаган пайтдаги саъйи ҳаракатининг катта улуши ҳам бор, албатта.

У тилимизни гўзаллаштирувчилардан, бой ички имкониятларидан фойдаланувчиларидан, буни амалда исбот қила олганлардан бири эди. Бир мисол. Биз ҳозир «ҳаваскор йигит» деймиз. У бўлса «ҳавасли йигит» дейди. Халқда эса қадимдан «орзу-ҳавасли одам» деган ибора бор. Демак, Фитрат тили жонли халқ тилидан олинган ва шу сабабли ҳам равон, ўйноқи, жозибали, ихчам ва ёқимлидир. Унинг асарларининг тили умумтуркийдир. Шу боисдан Фитрат асарлари Истамбулдан тортиб Урумчигача, Кобулдан тортиб Қозонгача, Андижондан тортиб Бокугача — барча турк эллари орасида тушунарли бўлган, севиб ўқилган бир ўзакка мансуб бўлган барча турк қавмларини бирлаштириб турувчи маънавий белбоғлардан бўлган.

Фитрат тақвоси кучли, имони саломат инсонлардан эди. У ҳеч қачон атеист, яъни даҳрий бўлмаган. «Қиёмат» асарида эса бидъату хурофотни фош этган. Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Шайх» радифли шеъри эсга келади. Иккала муаллиф учун муштарак ғоя ва мақсад — риёкор, лўттибоз, шайтонсифат шахсларнинг кирдикорларини очиб ташлашдир.

Фитрат адабиётшунос олим ҳам эди. Уни XX аср, яъни янги давр ўзбек адабиётшунослик фанининг асосчиларидан бири дейиш мумкин. Шу ўринда Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асари ёдимизга келади. Агар Навоий XV асрда шеъриятимизнинг бундан кейинги ривожи учун илмий ва амалий қўлланма сифатида «Мезон ул-авзон» китобини яратган бўлса, Фитрат Маҳмуд Қошғарий сингари эл кезиб, халқ ижодини ўрганиб, тилини ўрганиб, янги даврнинг зарур илмий мақолалар ижод қилди. Фитратнинг туркий тилнинг қудратини кўрсатувчи чуқур илмий, ўта жўшқин, сермулоҳаза ва мазмундор, ҳатто бадиий асардек қизиқиб ва равон ўқиладиган мақолалари руҳи Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул—луғатайн» асарига ҳамоҳанг десак янглишмаймиз. Фитрат худди Навоий каби кўп тилларни, яъни ўз она тилиси бўлмиш туркий тилдан ташқари форс, араб, усмонли туркчани, рус ва бошқа тилларни мукаммал билган, бу эса унинг кенг ва теран фикрлашига, ҳар томонлама билимдон бўлишига, қўшни халқларнинг дилини билишига имкон яратган.

Фитрат ўтнафас публицист эди. Халқ дардини ўз аламидек билган ҳар бир ўт юракли ижодкор ўз даври муаммоларидан четда туролмайди. Бунда унга ҳозиржавоб жанр — публицистика асқотади. Сиёсатга аралашмай туриб, ҳақиқий публицистик асар ёзиб бўлмайди.

Олим-ижодкорнинг ўнинчи йилларда ёзилган «Шарқ сиёсати» асари бу фикримизга мисол бўла олади. Алишер Навоийнинг ғазаллари ва достонларида куйланган адолатли шоҳ сиймоси, мамлакатнинг бирлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш ғоялари Фитрат мақолаларида янги даврга таваллуқли тарзда янграйди, янгича мазмун ва аҳамият касб этади.

Адиб Абдулла Қодирий, Аввлоний, Чўлпон, Садриддин Айний, Ҳамзалар билан бир safда туриб, ҳаттоки улардан бироз илгарироқ ҳозирги замон ўзбек (туркий) насрига тамал тошини қўйганлардан ҳисобланади. Унинг насрида ҳажвий оҳанг, айниқса, кучли. Маҳмудхон Беҳбудий ҳақли суратда ўзбек (туркий) драматургиясининг умумасосчиси ҳисобланса, Фитрат тарихий драманавислигимизга асос солди. Уни бир ўзиёқ юксак чўққига чиқариб қўя олдики, йигирманчи асрнинг ўтган 90 йили мобайнида ҳали ўзбек муаллифларидан ҳеч ким бу чўққига яқин бора олгани йўқ. Унинг биргина «Абулфайзхон» фожиаси шу фикримизни тўла исботлайди. Ваҳолонки, Фитрат «Ўғизхон», «Арслон», «Темур соғонаси», «Ҳинд ихтилолчилари» деган драматик асарларнинг ҳам муаллифидир.

Маълумки, ўзбек драматургиясида тарихий сиймолар, масалан Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Зебуннисо, Машраб, Нодира ва бошқалар ҳаёти ва фаолияти ҳақида асарлар ёзилган. Афсуски, уларнинг аксариятида тарихий ҳақиқатдан чекиниш-ни, тарихий ҳақиқатни бузишни кўрамиз. Масалан, Алишер Навоий образини ижобий қилиб тасвирлаш, конфликтни кучайтириш ниқоби остида халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихида энг порлоқ ва юксак юлдузлардан бири бўлмиш Ҳусайн Бойқарони қоралаб қўядилар. Бу тўғри йўл эмас. Буни ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда йўл қўйиладиган чора ёки тадбир дея оқлаб бўлмайди. Рост гап шуки бу бадиий сохталикдир. Ҳамма бало шунда бўлиб келаётирки, социалистик реализм методи деган сохта насоя ташламайлик, конфликтни эса азалий кураш — ёвузлик билан эзгулик ўртасидаги курашдан топиш мумкин ва лозим.

Иккинчи мисол. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ҳақидаги саҳна ва экран асарларида ҳам халқимизнинг жасур ва тадбиркор фарзандларидан бири Маҳмуд Ғазнавий мисоли олабўжи қилиб тасвирланган. Ваҳолонки, Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам шу ҳукмдорнинг марҳаматига сазовор бўлган, ҳатто Беруний шоҳ асарларидан бирини Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли Масъудга бахшида этган.

Фитрат XX аср Туркистонининг илғор курашчиларидан бири эди. Тошкентлик Минаввар-қори, самарқандлик Маҳмудхон Беҳбудий, бухоролик Фитрат, Файзуллахўжа ва Усмонхўжа, қўқонлик Ҳамза, наманганлик Сўфизода, андижонлик Чўлпон сингари барча турк улусларининг етук ўғлонлари ижодини яхлит олиб, бир-бирига боғлаб ўргансак ҳаммалари учун муштарак хулосавий фикрни илғаб оламиз. Буни қарангки, Туркистон сиёсатчилари, шу жумладан, Фитрат ўнинчи йилларнинг охирларидаёқ келган хулосалар марказий матбуотда эндиликда — қайта қуриш замонида такрорланмоқда, холос. Қеоанг, ўз давридан етмиш йиллаб олга кетган қандай илғор сиймоларимиз бўлган-а! Бу ўринда ҳам мен яна Алишер Навоийни эслайман. Унинг биродаркушликка қарши қаратилган ўтли мисралари шу кунларда ҳам, айниқса, замонавий оҳанг касб этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳамиша замонавий янграйдиган асарларни классика десак, уларнинг муаллифларини абадий замондошлар деймиз.

Учинчи мисол. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийдек буюк сиймолар ўта ҳурмату иззат қилган, буюк олим ва тақвоси кучли улкан арбоб Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳурофот тимсолидек тасвирланиб, Мирзо Улуғбекка қарама-қарши қўйилади. Тарих эса ҳатто улар ҳаётда учрашмаган эканлигини тасдиқлаб турибди. Айтмоқчиманки, халқимиз учун Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар билан бирга Маҳмуд Ғазнавий, Убайдуллоҳ Аҳрор, Ҳусайн Бойқаролар ҳам керак. Чунки булар ҳам тарихимизда ўз ўрнига эгадирлар. Тарихга кирган шахсларни ундан ўчириб бўлмайди. Фазилатларини ошириб ёки иллатларини яшириб бўлмайди. Қандай бўлса шундай тасвирлаш адибнинг виждоний бурчидир, турли ўткинчи «изм»ларга берилиб тарихни, тарихий шахсни сохталаштириш қаламкашни ҳижолатга қўяди, орадан йиллар ўтгач, тарих ва тарихий шахс ўзининг аслан кимлигини кўрсатиш имконига эга бўлади ва замонасоз қаламкашнинг миси чиқиб, асарининг пучлиги ошкор бўлажак.

Бу гапларни айтишдан мурод шуки, Фитрат тарихий драмаларда, масалан «Абулфайзхон» фожиасида ўтмишни холислик билан тасвирлайди, бир бутун халқни иккига бўлмайди, бир тарихий шахснинг ижобийлигини ошириш учун иккинчи тарихий шахсни камситмайди. Ҳар тоифа кишилари, масалан фуқаро орасида ҳам, ҳокимлар ўртасида ҳам яхши ёки ёмон одамлар бўлиши мумкинлигини унутмайди, бир томонламаликка — «синфийлик»ка берилмайди, ҳақиқат унинг учун йўлчи юлдуздир. Алишер Навоийнинг тарихий асарлари ва достонларида ҳам худди шу ҳолни кўрамиз. Алишер Навоий ва Фитратнинг эстетик-фалсафий қарашларида муштараклик мавжуд.

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Агар мен қачонлардир тарихий драма жанрида қалам тебратсам, мавлоно Фитратнинг тарихга ва тарихий шахсларга холисона муносабатда бўлишидан ибрат олиш ниятим бор. Ҳамкасбларимни ҳам шунга чорлайман.

Фитрат XX аср Туркистонининг илғор курашчиларидан бири эди. Тошкентлик Минаввар-қори, самарқандлик Маҳмудхон Беҳбудий, бухоролик Фитрат, Файзуллахўжа ва Усмонхўжа, қўқонлик Ҳамза, наманганлик Сўфизода, андижонлик Чўлпон сингари барча турк улусларининг етук ўғлонлари ижодини яхлит олиб, бир-бирига боғлаб ўргансак ҳаммалари учун муштарак хулосавий фикрни илғаб оламиз. Буни қарангки, Туркистон сиёсатчилари, шу жумладан, Фитрат ўнинчи йилларнинг охирларидаёқ келган хулосалар марказий матбуотда эндиликда — қайта қуриш замонида такрорланмоқда, холос. Қеоанг, ўз давридан етмиш йиллаб олга кетган қандай илғор сиймоларимиз бўлган-а! Бу ўринда ҳам мен яна Алишер Навоийни эслайман. Унинг биродаркушликка қарши қаратилган ўтли мисралари шу кунларда ҳам, айниқса, замонавий оҳанг касб этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳамиша замонавий янграйдиган асарларни классика десак, уларнинг муаллифларини абадий замондошлар деймиз.

ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ УЧУН

26 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Деҳқонлар уюшмаси кенгаши билан Колхозлар республика кенгаши раёсатларининг қўшма мажлиси бўлди.

Унда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлигининг масъул ходимлари, вилоят деҳқончилик-саноат уюшмаларининг, вилоят деҳқон уюшмалари ва колхоз кенгашларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисда Ер солиғи тўғрисидаги республика Қонуни лойиҳаси, колхозлар молиявий-иқтисодий фаолиятининг якунлари, вилоятларда ва районларда деҳқонлар уюшмаларини ташкил этиш қандай бораётганлиги кўриб чиқилди. Мажлис қатнашчилари қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларида тўпланиб қолган муаммоларни биргаликда кучғайрат сарфлаб, ҳал этиш йўлларини белгилаб олдилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲР-МУРУВВАТНИНГ АНИҚ МАНЗИЛИ

ЎЗБЕКИСТОНДА НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ

Аянчли Чернобиль аварисининг беш йиллиги ва Тошкент эпизиласининг 25 йиллиги кунида Ўзбекистон пойтахтида республика ногиронлар жамиятининг таъсис анжумани ўтказилгани кўнгилдагидек бўлди. Худди ана шу икки нохуш воқеа 26 апрель куни Тошкентдаги учрашувга келган юзлаб ўзбекистонликларнинг соғлиғига зомин бўлганди.

Анжуманда ногиронларнинг турмуш шароитлари, уларни ишга жойлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш ва жамоат фаолиятидаги иштирокига, уларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишига даҳлдор кўпдан-кўп муаммолар муҳокама қилинди. Бу муаммоларнинг кўпчилиги, деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар, бугун пайдо бўлгани йўқ, йиллар давомида тўпланиб қолди. Ҳозир бозорга ўтилаётган ва у билан боғлиқ тарзда ҳозирдаёқ бошланиб кетган ўзгаришлар шароитида бу ижтимоий тоифага айниқса қаттиқ эътибор бериш ва меҳр-мурувват кўрсатиш керак, ваҳолонки, аҳолининг мутлақо меҳнатга лаёқатли қисми учун ҳам бу давр оғир кечмоқда.

Делегатлар янги жамоат ташкилотининг Низомини қабул қилдилар, раҳбар органлари — марказий бошқаруви, марказий тафтиш комиссиясини сайладилар.

(ЎзТАГ мухбири).

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ИЖАРАГА КЕНГ ЙЎЛ

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилаш бозор иқтисодиёти шароитида барча автокорхоналар учун муҳим аҳамиятга эга. Бизнинг ишлаб чиқариш бирлашмамиз меҳнат жамоалари ҳам ўз навбатида бу вазифага масъулият билан ёндашиб, янгича шароитда ишлашнинг аниқ йўлларини белгилаб олишяпти. Ҳозир автокорхоналаримизда хўжалик юритишнинг энг самарали усули — ижара пудрати усулидан кенг фойдаланилмоқда.

Жойларда ижара пудратининг афзалликлари ва уни қўллаш туфайли юзага келиши мумкин бўлган муаммолар меҳнат жамоаларига батафсил тушунтирилди. Ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш ва энг муҳими, техника тараққиёти ютуқларига асосланган ҳолда автокорхоналар хўжалик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди.

Тўғриси, янгича ишлаш ҳайдовчиларимизнинг меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартирди. Ҳар бир иш ўрнида, тартиб-интизом, зиммага юкланган вазифа учун масъулият ҳисси кучайиб борди. Белгиланган режалар уддаланиб, фойданинг салмоғи ортяпти.

Биргина мисол. Бирлашманинг Хўжайли районидаги автокорхонасида ижара пудрати жорий этилгандан кейин автомобиллардан фойдаланиш коэффициенти бирмунча ортди. Бу ерда фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган 26 та енгил автомашина ижарага ўтказилгунга қадар ойига 807 сўм фойда берган бўлса, ижара шароитида 1200 сўмдан зиёдроқ самара келтирмоқда. Ҳар бир ҳайдовчининг ўртача ойлик маоши 209 сўмдан 350 сўмгача кўтарилган.

Ўтган йили бирлашмага қарашли Қўнғиротдаги 63, Хўжайлидаги 25, Чимбойдаги 40-автокорхоналар ва Нукусдаги таксомотор паркида ҳам кўпгина ҳайдовчилар ижара ҳамда бригада пудратига ўтиб ишлай бошладилар. Нукус таксомотор паркида бир йўла 68 та енгил автомашина ижарага берилди. Гапнинг рости, илгаридан бу машиналар эҳтиёт қисмлар йўқлигидан ремонтда турар ёки вазифасини ўтаб бўлган машина сифатида ҳисобдан чиқариб юборилади. Энди улардан ҳам имконият даражасида фойдаланиляпти.

Бунинг натижасида бирлашманинг иқтисодий ҳолати яхшиланиб бормоқда. Бироқ автокорхоналар моддий-техника ресурслари ва асосий фондлар билан етарлича таъминланмаётганлиги бу борадаги ишларнинг ривожига тўсқинлик қиляпти. Тўғриси, таъминот масаласи ҳанузгача эски иқтисодий алоқалар доирасида олиб борилмоқда. Шу туфайли биз кўпинча тармоқнинг юқори идоралари қўлига қараб қолямиз.

Йилдан-йилга транспорт воситалари ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш камайиб кетяпти. Моддий-техника ресурслар ва асосий фондлар билан таъминлашнинг амалдаги режалари умуман бажарилгани йўқ. Автомобилсозлик корхоналари билан бевосита алоқа қилишга эса бизнинг эркин маблағимиз етишмайди. Бунинг устига бозор иқтисодиёти шароитида автомобиллар ва улар учун зарур эҳтиёт қисмларнинг ҳам нархлари ошиб бормоқда.

Хуллас, бозор муносабатларига ўтиш олдида муаммоларимиз анчагина. Лекин биз ички имкониятлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Эскича иш услубини ўзгартириб, янгиликка интилувчи ишлаб чиқариш илғорларига, тажрибали ҳайдовчиларга кенг йўл беряпмиз. Шу тариқа юк ташиш ва йўловчиларга намунали транспорт хизмати кўрсатишни бирмунча яхшилашга муваффақ бўлмоқдамиз.

Албатта, ўз навбатида бирлашма инженер-техниклари ва ҳайдовчиларининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишни ҳам эътибордан четда қолдирганимиз йўқ. Бир қатор автокорхоналаримиз ишчилари учун 40—60 квартирали турар-жой бинолари қуриб бердик. Яқин орада бирлашмамизга тегишли шундай турар жой бинолари Нукус шаҳрида, Қораўзак ва Чимбой районларида қурилиб, фойдаланишга топширилади. Меҳнатчиларимизнинг иш ҳақини ҳам тегишли даражада ошириб боришга анчагина маблағ ажратилмоқда.

М. ИСМЕТОВ,
«Қорақалпоқтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари.

Пахтачи районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги сут-товар фермасида кўплаб пешқадам сигир соғувчилар бор. Айниқса Р. Бобоева билан Р. Йўлдошевалар кўпчиликка ўрнак кўрсатишяпти. Ана шундай илғорларнинг ғайрати туфайли хўжалик бу йил эл дастурхонига 840 тонна сут етказиб бериш ҳақ қилган.

Суратда: Р. Бобоева билан Р. Йўлдошева.

Т. НОРҚУЛОВ туширган сурат.

• *Халқ манфаати — ҳамма нарсадан улуғ*

ИНСОФ САРИ БАРАКА

«Совет Ўзбекистони» рейди

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси ва шаҳар Кенгаши ижроия комитетининг кенгайтирилган мажлисида биринчи даражали зарур молларни меъёри билан тарқатишга ўтишни ташкил этишда йўл қўйилган нуқсонлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилган, камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, назоратни бўшаштириб юборган раҳбарларга тегишли баҳо берилган эди. Мана, орадан бир ой ўтди. Шу вақт ичида савдо-сотиқ ишида сезиларли ўзгариш бўлдими? Пойтахт аҳолисининг эътирозларига сабаб бўлган нуқсонларга барҳам берилдими?

Тўғрисини айтиш керак, шаҳарликларга озиқ-овқат олиш учун талонлар тарқатилганидан кейин ҳам анча вақтгача дўконларнинг пештахталари бўм-бўш бўлиб турди. Сабаби — зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳали савдо жойларига келтириб улгурилмаган ёки корхоналар ушбу молларни ишлаб чиқариш режасидан орқада қолаётган эди. Бу аҳвол айрим жойларда ҳозирга қадар ҳам давом этаётганидан афсусланасан, киши. Масалан, Акмал Икромов районидаги 20-дўкон сотувга кир совун ва арақ чиқарилмагани сабабли 800 нафар харидорга хизмат кўрсатолмади.

С. Раҳимов районидаги 6-дўконда ҳам аҳвол шундай. Харидорлар Гареева ва Язиналарнинг айтишларича, улар апрель ойи учун мўлжалланган арақ ва унни олишолмаган. Юсупов, Исмоилова, Турсуновалар эса Киров районига қарашли 57-дўкондан апрель ойи учун ўзларига тегишли гўшт, гуруч, ёғ ва бошқа маҳсулотларни ололмай сарсон бўлиб юришибди. Сергели озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 5-дўконда ҳам худди шунга ўхшаш ҳоллар содир бўлган. Савдода тухум йўқ. Ҳар бир кишига қанча миқдорда маҳсулот бериш лозимлиги тўғрисида ҳеч қаерга ёзиб қўйилмаган. Кўп оилалар апрель ойи учун белгиланган гўшт, сариёғ, пахта мойи ва спиртли ичимликни олмаганлар. 4-дўконда эса республика Президенти Фармонига зид равишда чой, туз, гуруч учун харидорлардан ҳали ҳам беш фоизли солиқ ундирилмоқда. Рейд қатнашчилари 57-дўконда (Киров райони) ҳатто оилавий карточкалардаги одамлар сони ошириб кўрсатилгани фактига дуч келишди.

Айрим савдо нуқталарида биринчи даражадаги зарур молларни меъёри билан тарқатиш тартиб-қоидаларининг қўпол тарзда бузилишига, таниш-билишчилик, ошнаоғайнигарчиликка йўл қўйиляпти. Масалан, Октябрь районидаги 33-дўконда (мудири Волунцова) 196 рақамли карточкада бор-йўғи бир одамнинг исми-шарифи қайд қилингани ҳолда тўрт кишига, 199 рақамли карточкадаги бир киши ўрнига уч кишига маҳсулот берилган. 27-дўконда (мудири Қаюмова) ҳам худди шундай воқеалар шоҳиди бўлдик. Ана шундай бўлгач, баъзи харидорларга танқис моллар нима учун етмай қолаётгани сабаби ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Республика ҳукуматининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига асосий озиқ-овқат ва ноозиқ овқат моллари сотишни барқарорлаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Тошкент шаҳар Кенгаши ижроия комитети махсус қарор қабул қилган эди. Инсоф билан айтганда, ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш йўлида анча ишлар қилиняпти. Районларда тузилган штаблар бу соҳада пайдо бўлаётган муаммо ва нуқсонларни зудлик билан ўша жойнинг ўзида ҳал қилиш ҳаракатида бўлмоқдалар. Маҳалла комитетлари, уй-жойдан фойдаланиш идоралари вакиллари меҳнаткашларнинг талаб ва эътирозлари асосида штабларга масалалар қўйиб, бу масалаларнинг кейинчалик қандай ҳал қилинаётгани билан қизиқаётирлар, дўконларда навбатчилик қилмоқдалар.

— Ҳукумат қарори озиқ-овқат маҳсулотлари ҳарид қилишда барчани баробар, тенг қилиб қўйгани жуда одил иш, — дейди В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Муҳиддин Шаропов. — Дўконларда навбатда турганлар орасида корхона раҳбарини ҳам, оддий ишчи ёки хизматчини ҳам учратиш мумкин. Бу ошкоралик туфайлидир. Биз оилада етти жонмиз. Карточка бўйича олаётган озиқ-овқат ҳар ҳолда етиб турибди. Халқимизда «Оз бўлса етади, кўп бўлса кетади», деган нақл бор. Сабр қилсак, бу кунлар ҳам ўтиб кетар. Ахир республика раҳбарияти аҳволни енгиллатишнинг ҳаракатини қиляпти-ку. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон билан тузилган иқтисодий битим ва шартномалар эртаги кунимиз яхши бўлишидан дарак бермайдими?! Истагим — бор нарса инсоф билан, барчага баробар тақсимланса. Зеро, инсоф сари барака, деганлар. Сотувчида ҳам, харидорда ҳам, уларни назорат қилувчиларда ҳам инсоф бўлсагина тартиб бўлади.

Бу гапларда жон бор, албатта. Баъзи нафсини тиёлмаган харидорлар савдодаги назоратнинг бўшлигидан фойдаланиб, ўз улушларини бирнеча марта олишгача бориб етишяпти. Масалан, Бектемир районидаги 3-дўконда шунга ўхшаш воқеалар 18 марта, 12-дўконда 15, 10-дўконда беш марта содир бўлди. Бу билан улар бошқаларнинг ризқини қияётганликларини наҳотки тушунишмаса?!

Айрим савдо ходимлари ҳам шундай кайфиятдаги кишилар тегирмонига сув қуйишмоқда. Масалан, Фрунзе районидаги 4-дўконда (мудири Жалилов) савдо яхши ташкил этилмаганлиги оқибатида дўкон олдида навбатда турганлар жуда кўп. Сотувчи Холмуҳамедовнинг уйида эса 4500 дона мол гўшти консерваси яшириб қўйилгани аниқланди. Хўш, у шундай ҳам камёб бўлиб турган бу маҳсулотларни нима мақсадда дўкондан уйига олиб келиб туширган? Албатта, қимматига сотиб, фойда кўриш учун-да! Шунисси ажабланарлики, аллақанча маҳсулот гумдон қилинипти-ю, дўкон раҳбарлари бундан «бехабар» қолишибди. Шу районга қарашли 9-дўконда эса 220 килограмм конфет, 10 килограмм ҳолва, икки қути вермишел пештахталарда сотувга қўйилмай, ичкарида сақланган. Бир килограммдан қилиб халталарга қадоқлаб қўйилган гуруч, пряник ва қотирилган нуннинг ҳар бир идишидан 20-25 граммдан кам чиқди. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам меҳнатсиз шахсий наф кўриш мақсади кўзланган.

Юқоридаги воқеа ва фактлардан шундай хулосага келиш мумкин: ҳукумат қарорини оғишмай бажариш учун ҳали етарлича ташкилотчилик, тушунтириш ишлари олиб борилмаяпти. Назоратни кучайтириш мақсадида бу юмушларга барча жамоат ташкилотлари, манфаатдор идоралар ва фуқароларни жалб эта олсаккина аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган камчиликларни бартараф этиш мумкин.

Р. ҲАМИДОВ,
Тошкент шаҳар халқ назорати қўмитаси штатсиз бўлим мудири.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СПОРТ

ОЛИЙ ЛИГА:

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

● Командалар навбатдаги учрашувларни ўтказишди. Пахтакорчилар бу гал Минск майдонида маҳаллий динамочилар билан ўйнадилар. Сирасини айтганда, пахтакорчиларнинг ўйинлари қовушмади. Мудофаанинг сустлиги сезилиб турди. Майдон эгалари ташаббус билан ўйнаб, 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишаётган эди. Лекин ҳуштак чалиниши олдидан хатога йўл қўйиб, 11 метрли жарима тўпи белгиланди. И. Шквирин ҳисобни биттага қисқартирди. Ҳозир «Пахтакор» 4 очко билан охирги ўринда турибди. Чемпионатда эса ЦСКА, «Торпедо» ва «Шахтёр» жамоалари олдинда боришмоқда.

БИРИНЧИ ЛИГА:

ҚУШ ҒАЛАБА

● Жамоалар ўртасида дастлабки мавсумни ўтказаётган Наманганнинг «Навбаҳор», Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Ҳар иккала жамоа ўз майдонида икки марта ғалабага эришиб, мухлисларни қувонтирди. Наманганликлар «Локомотив» футболчилари дарвозасига жавобсиз иккита тўп киритиб, очколарини 7 тага етказишди. Улар ҳозир тўртинчи ўринни эгаллаб туришибди. «Нефтяник» футболчилари эса «Шинник» билан ўйинда 3:1 ҳисобида устун келишди. Фарғоналиклар очкоси 5 та бўлди.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига жумҳуриятимиздаги барча ижодий жамоалар қизғин тайёргарлик кўришяпти. Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитасининг «Тановар» фольклор-хореографик дастаси ана шундай ижодий жамоалардан.

«Тановар» Навоий тўйига атаб унинг машҳур «Сабъаи сайёр» достони асосида рақс композицияси тайёрлаяпти.

СУРАТДА «Тановар»ни иш устида кўриб турибсиз.

Р. НУРИДДИНОВ туширган сурат (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОНГА

ТОШКЕНТ КОРХОНАСИ ШУҲРАТИ

Совет — **Италия ҳамкорлигидаги «Совпластитал» корхонасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида бирлашма бош директори Александр Мелкумов жумҳурият аҳолисининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талаби ва нарх-навонинг ошиб кетганлиги муносабати билан корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нархи 25 процент миқдорида арзонлаштирилганлигини маълум қилди.**

Бу тадбир 23 апрелдан бошлаб кучга кирди. Корхона маҳсулотларни арзон баҳода сотишдан 33 миллион сўм атрофида кам тушум бўлади.

«Совпластитал» — мамлакатимизда ишлаб турган ҳамкорлик шаклидаги корхоналарнинг ўн биринчиси. У ташкил этилганига уч йил бўлишига қарамай ишлаб чиқариш қувватини ўн уч марта оширди ва ҳозирда 150 миллион сўм атрофида маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Шу кунларда олиб борилаётган ишлаб чиқаришни кескин такомиллаштириш тадбирлари натижасида яқин икки йилда бу рақам 250 миллион сўмга етади. Тошкент корхонаси химиявий пластмассадан кенг кўламда маҳсулот тайёрлаб чиқараётган замонавий ва қудратли корхона бўлиб, у мамлакат ишлаб чиқариш қувватининг олтидан бир қисмини ташкил қилади.

Куни кеча бирлашма маъмурияти Голландиядаги «Нобел Хауз» фирмаси билан шартнома имзолади. Бу ҳужжатга биноан буюртмачига яқин вақтлар ичида 440 минг (икки хил кўрин-ишли) кресло, ҳар бири 6 кишига мўлжалланган 150 минг дона стол етказиб берилади.

Хорижга чиқариладиган катта миқдордаги шунча маҳсулотнинг қиммати 3 миллион 180 минг доллар ҳисобланди.

«Совпластитал» бирлашмасининг Тошкентда ишлаб турган иккита фирма магазини харидорларнинг диққатини жалб этмоқда. Бу ерда йилига 55 миллион сўм миқдорида савдо қилинмоқда. Ана шундай магазинлардан бирини Самарқанд шаҳрида очиш мўлжалланмоқда. Ватанимиз пойтахти Москванинг Бабушкин районида ташкил этилаётган «Тошкент» магазини май ойининг охирида очилиши кутиляпти. Шундай қилиб Тошкент корхонаси ўзининг сифатли маҳсулотлари билан мамлакатимизда, шунингдек жаҳон бўйича ҳам довруғ тараётмоқда.

А. ПУЛАТОВ.

ОБ – ҲАВО...

Ўзбекистон об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотларига кўра, шу ҳафтанинг биринчи ярмида об-ҳаво беқарор бўлиб туради. Жумҳуриятнинг шарқий масканларида қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтади ва момақалдироқ пайтида секундига 20 метргача шамол эсади. Кечаси 9—14, кундузи 24—29, жанубий вилоятларда кечаси 11—16, кундузи 27—32 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат пасаяди. Кечаси 4—9, кундузи 20—25 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб ҳаво яна исийди. Кечаси 7—12, кундузи 24—29, жанубий вилоятларда ҳарорат 32 даражагача кўтарилади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги тиббий даволаш ва табиий тиклаш институтининг мутахассислари фикрига қараганда, бундай кунларда юрак, томир ва мия шамоллаши, бўғин ҳамда нафас-ўпка аъзолари хасталанган беморлар ўзларини нохуш сезадилар. Бундай бемор кишиларни даволаш мақсадида қон босимини вақти-вақти билан ўлчаш, зарурат тақозо этса, шифокорларнинг маслаҳатига кўра оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни бериш маслаҳат этилади. Беморлар қулай кунларда чиниқишни давом эттиришлари, очиқ ҳавода кўпроқ бўлишлари, даволаш машқларини бажаришлари лозим.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: толали материалларнинг механикавий технологияси, тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, сиёсий иқтисод, электр техникаси;

профессорлар: назарий кимё, толали материалларнинг механикавий технологияси, енгил саноатда иқтисод ва уни ташкил қилиш;

доцентлар: амалий математика (2), олий математика, физика, назарий кимё (2), ноорганик кимё (2), муҳандислик графикаси (2), назарий механика, материаллар қаршилиги, толали материалларнинг механикавий технологияси, пахта толаси ва кимёвий толаларни йигириш, тўқувчилик, тикувчилик буюмларини конструкциялаш (2), ипак технологияси (2), чарм буюмлар технологияси, тўқимачилик машинасозлиги технологияси (2), тўқимачилик саноатида иқтисод ва уни ташкил қилиш (3), юқори молекуляр бирикмаларнинг кимёвий технологияси, енгил саноатда иқтисод ва уни ташкил қилиш;

катта ўқитувчилар: рус тили, олий математика (2), амалий математика, физика (3), автоматика, тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси (3), чарм буюмлар технологияси, тўқимачилик саноати машиналари ва аппаратлари, тўқимачилик машинасозлиги технологияси, тўқимачилик саноатида иқтисод ва уни ташкил қилиш, енгил саноатда иқтисод ва уни ташкил қилиш (2), жисмоний тарбия ва спорт (3), фуқаро мудофааси, тикувчилик буюмларини конструкциялаш (бадиий фанлар), немис тили, француз тили;

ассистентлар: рус тили, олий математика (2), амалий математика (2), муҳандислик графикаси, иссиқлик техникаси, электр техникаси, меҳнат муҳофазаси (2), матбаа ишлаб чиқариши технологияси (2), тўқувчилик, чарм буюмлар технологияси (3),тўқимачилик саноатида иқтисод ва уни ташкил қилиш (3), тикувчилик ишлаб чиқариши технологияси (3), юқори молекуляр бирикмаларнинг технологияси (2), ўзбек тили (3), пахта саноатида иқтисод ва уни ташкил қилиш;

катта илмий ходим: назарий кимё кафедрасининг илмий лабораторияси.

НАМАНГАН БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

катта ўқитувчи: олий математика;

ассистентлар: тўқимачилик саноати технологияси, пахта толасини йигириш (3).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700100, Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, кадрлар бўлими 16-хона.

* * *

1991 ЙИЛ 11 МАЙ СОАТ 14.00 ДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

ДАСТУРДА: олий билимгоҳ ректори, куллиётлар деканлари, кафедралар мудирлари, ўқитувчилар ва олий билимгоҳни битирганлар билан учрашувлар, мутахассисликлар ҳақида суҳбатлар, ўқув биноларига, лаборатория ва кафедраларга экскурсиялар, ҳисоблаш маркази, асосий кутубхона, талабалар конструкторлик бюроси, Модалар уйи билан таништирилади.

ТАДБИРЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА СОАТ 14 ДА БОШЛАНАДИ.

УЧРАШУВГА ўрта мактабларни, ўрта махсус таълим ва ҳунар-техника билим юртларини битирганлар, ёш ишчилар, колхозчилар ҳамда ҳарбий хизматни ўтаб қайтган жангчилар таклиф қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй (4, 7, 9, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 2, 3, 45, 50, 54-автобусларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати. 11-троллейбус; 32, 77, 173-автобусларнинг «Тўқимачилик олий билимгоҳи» бекати.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: агросаноат комплекси иқтисоди ва уни режалаштириш, олий математика, иқтисодий кибернетика, меҳнат иқтисоди ва ижтимоиёти, моддий ресурсларни бошқариш, жисмоний тарбия, молия, ташқи иқтисодий фаолиятда ҳисобга олиш ва таҳлил, халқаро валюта-кредит муносабатлари;

профессорлар: халқ хўжалиги тармоқларида хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш, моддий ресурсларни бошқариш, пул муомаласи ва кредит, саноатда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш (2), молия;

доцентлар: ижтимоий-сиёсий тарих, иқтисодий информатика ва автоматлаштирилган бошқариш системалари (3), агросаноат иқтисоди ва уни режалаштириш (2), ижтимоий соҳаларда хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш (3), олий математика (4), савдо иқтисоди (3), ҳисоб (5), иқтисодий кибернетика (2), ҳисобга олиш-молия ихтисослигида фалсафа, ҳисобга олиш-молия ихтисослигида сиёсий иқтисод (5), иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни режалаштириш, моддий ресурсларни бошқариш (2), саноат иқтисоди, технология системалари, рус тили, пул муомаласи ва кредит (2), эҳтимоллик назарияси (4), молия (3), саноатда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш (2), савдо ва маркетингни ташкил қилиш, халқ хўжалиги тармоқларида хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш назорат қилиш ва таҳлил қилиш (3), иқтисодий ахборотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган системалари (2);

катта ўқитувчилар: ижтимоий-сиёсий тарих (2), ижтимоий соҳаларда хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш, олий математика (2), ҳисоб, ҳисоблаш техникаси (4), ҳисобга олиш-молия ихтисослигида фалсафа, ҳисобга олиш-молия ихтисослигида сиёсий иқтисод (2), иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни режалаштириш, чет тиллар (4), рус тили (4), жисмоний тарбия (2), ўзбек тили, махсус тайёргарлик, пул муомаласи ва кредит (2), нарх-навонинг ҳосил бўлиши, саноатда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва таҳлил қилиш, товаршунослик (4), молия (2), савдо иқтисоди, иқтисодий информатика ва автоматлаштирилган бошқариш системалари, умумиқтисодий ихтисосликда сиёсий иқтисод;

ўқитувчилар: чет тиллар, жисмоний тарбия, ўзбек тили;

ассистентлар: олий математика, савдо иқтисоди, ҳисоб, илмий социализм, молия (2).

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 йилда

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

миллий мактабларда рус тили ўқитиш услубиёти, миллий мактабларда рус адабиётини ўқитиш услубиёти, рус тили, СССР халқлари адабиёти (совет даври).

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида махсус фан, фалсафа ва чет тилларнинг биридан танловли кириш имтиҳонларини топширадилар.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисида олий билимгоҳ ректори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (иш жойида тасдиқланган), таржимаи ҳоли, сўнгги иш жойидан тавсифнома-тавсиянома, олий ўқув юртини битирганлиги ҳақидаги диплом нусхаси ва синов қайдномасидан олинган кўчирма нусхаси, амалий меҳнат фаолияти тўғрисидаги ҳужжат (меҳнат дафтарчасининг иш жойида тасдиқланган кўчирмаси), саломатлиги тўғрисида 086/У намунадаги маълумотнома, иш жойидан ойлиги кўрсатилган маълумотнома, турар жойидан маълумотнома; 6х9 ва 3х4 см. катталикдаги иккита фотосурат; эълон қилинган илмий ишлар рўйхати ва уларга ёзилган тақризлар. Эълон қилинган ишлари бўлмаган шахслар танлаган иқтисоси бўйича илмий маъруза (реферат) ёзиб топширадилар.

Аспирантурага кирувчилар паспортни шахсан кўрсатадилар.

Кириш имтиҳонларига қўйилганларга иш жойидан маоши сақланган ҳолда 30 календарь куни ҳисобидан таътил берилади. Иш ҳақи сақланмаган ҳолда ана шу таътилга ўқув юртигача бориш ва орқага қайтиш учун кетадиган вақт қўшиб берилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1991 ЙИЛ 10 МАЙГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1991 ЙИЛ 1 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ.

Манзилимиз: 700110, Тошкент шаҳри, 110-алоқа бўлими, Академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй, аспирантура бўлими.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1—2 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

Байрам концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
ЭЛМУРОД ИСЛОМОВ
ва
ФЕРУЗА СОЛИХОВА

Чиптаклар соат 11.00 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4—5 МАЙ СОАТ 19.00 ДА

КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ҚИЗИҚЧИ — 90» КЎРИГИНИНГ ҒОЛИБИ ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ
ва
АНДИЖОНЛИК ХУШОВОЗ ХОНАНДА ҲАЛИМ ЖЎРАЕВ

Чиптлар соат 11.00 дан 19.00гача сотилмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

●

«МУБОРАК ГАЗ САНОАТИ ҚУРИЛИШИ» ҚУРИЛИШ МОНТАЖ УЧАСТКАСИГА

қуйидаги умумий қурилиш ихтисосларидаги ишчилар: сувоқчилар, арматурачилар, бетончилар, газ электр пайвандчилар, ғишт терувчилар, бўёқчилар, кошинловчилар, дурадгорлар, қурилиш конструкциялари монтажчилари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи— ишбай-мукофотли, 1,55 район коэффициенти тўланади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхона, оилалиларга — 3 ой ичида турар-жой ва мактабгача болалар муассасаларидан ўрин берилади. Хоҳловчиларга йил давомида ер участкалари, қарз (ссуда) ва Муборак шаҳрида хусусий турар-жой қурилишини олиб бориш учун қурилиш материаллари берилади.

Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган ва бирон касбга эга бўлмаган йигитлар Нефть-газ қурилиши вазирлиги мактабларн ва Қашқадарё вилоятидаги ҳунар-техника билим юртларида турли мутахассисликларга ўқитиладилар.

Манзилимиз: 731000, Қашқадарё вилояти, Муборак шаҳри, 1-микрорайон.

Театр

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Искандар** (премьера).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АДАБИЁТ ИЛМГОҲИ **ЎЗБЕК СОВЕТ АДАБИЁТИ, АДАБИЁТ НАЗАРИЯСИ, АЛИШЕР НАВОИЙ, ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИ, ЎЗБЕКИСТОНДА РУС АДАБИЁТИ БЎЛИМЛАРИНИНГ МУДИРЛАРИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРИГА**

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВДА филология фанлари доктори, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган етакчи олимлар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Манзилимиз: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Адабиёт илмгоҳи илмий котиби. Телефон: 62-43-67.

Ўзбекистон ССР Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Саховат» жаридаси муҳарририяти жамоаси муҳарририят ходими К. Назарматовага онаси

Орифахон АБДУРАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳурият «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси республика дорихоналар бош бошқармасининг собиқ бошлиғи, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1936 йилдан КПСС аъзоси

Маҳкам Умарович ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси жамоаси муҳарририятнинг жамоатчилик асосидаги қабулхонаси мудираси, жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими К. Юмаевага турмуш ўртоғи

Абдулаҳад ШАМСУТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг археология илмгоҳи жамоаси тарих фанлари доктори, етакчи илмий ходим

Мирвоҳид Розиқович ҚОСИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олий билимгоҳи жамоаси инглиз тили кулliёти деканининг муовини, филология фанлари номзоди, доцент М. Қ. Худойбергановага акаси

Наримон Қўчқорович ХУДОЙБЕРГАНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ -одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 83. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12